



Иккинчи жаҳон уруши жаҳон тарихида мисли кўрилмаган даражада катта ва дахшатли, бутун инсоният бошига огир кулфатларни солган уруш бўлди. 1939-йил 1-сентябр куни фашистлар Германияси кўшинларининг Полшага бостириб кириши билан бошланган бу уруш жаҳоннинг 61 мамлакатини, ер шари аҳолисининг 80 фоизини яъни 1,7 млрд. кишини ўз гирдобига тортди. Иккинчи жаҳон урушини йирик давлатлар ўртасидаги ихтилофлар, агрессив кучларнинг дунёга ҳукмрон бўлиш учун интилишлари келтириб чикарди. Урушни асосий агрессив давлатлар – фашистлар Германияси ва Италияси ҳамда милитаристик Япония бошлади. Улар орасида Германия уюштирувчи, етакчи рўл ўйнади.

Фашизм ўта агрессив, ўта уюшқок сиёсий куч, сиёсий партия сифатида Биринчи жаҳон уруши тугаши биланок Италия ва Германияда вужудга келади. Фашистик кучларни Биринчи жаҳон урушидан норози бўлган, дунёни қайтадан бўлишга ва дунёда ҳукмрон бўлишга интилувчи йирик молия-саноат корхоналари эгалари, ҳарбийлар ҳар томонлама кўллаб-қувватладилар. Фашистлар икки жаҳон уруши ўртасида ўтган 20 йил давомида илдиз отиб, кучайиб боради ва нихоят Германия, Италия ва бошқа мамлакатларда сиёсий ҳокимиятни эгалладилар. Германия ва Италия фашистлари ҳарбий-сиёсий иттифок тузиб, бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралаша бошладилар. Шу тарика Гарбда, Шарқда, Ўрта ер денгизида хавфли уруш ўчоқлари вужудга келади.

Фашистлар блоки мамлакатларининг ҳукмрон доиралари ўзларини “насибасиз” қолдирилган деб ҳисоблардилар. Улар Биринчи жаҳон урушидаги мағлубиятдан, унинг натижаларидан норози эдилар. Улар мавжуд халқаро муносабатларни ўзгартириш, дунёни қуролли куч билан қайтадан бўлиш мақсадида урушга тайёрландилар. Уларга Англия, Франция ва АКШдан иборат иккинчи гуруҳ қарама-қарши турарди. Биринчи жаҳон урушида ютиб чиққан бу мамлакатлар эгаллаган ерларини саклаб қолишга, ҳукмрон мавқеини мустаҳкамлашга ва ўз рақобатчиларини янгидан заифлаштиришга интилардилар.

Иккинчи жаҳон урушининг И-даврида – 1939-йил 1-сентябрдан 1941-йил 22-июнгача бўлган даврда фашистлар Германияси Гарбий ва Марказий Европада ҳукмронликни қўлга киритди. Германия ва Италия Европадаги 10 та давлатни – Полша, Чехословакия, Югославия, Белгия, Голландия, Люксембург, Дания, Норвегия, Австрия, Францияни босиб олди. Миллатлар лигаси ҳаракатдан тўхтади. Германия Гарбий Европанинг

харбий, иктисодий ресурсларини қўлга киритгач, 1941-йил 22-июн куни хужум қилмаслик тўғрисидаги шартномани бузиб, уруш эълон қилмасдан СССРга хоинона хужум бошлади. Фашистларнинг мақсади СССРни босиб олиш, бойлигини талаш, миллионлаб кишиларни қириш ва қолганларини қул қилиш эди. Германиянинг СССРга қарши олиб борган уруши характер жихатидан босқинчилик, адолатсиз уруш эди. Германия билан ҳамкорликда унинг иттифокчилари – Италия, Финландия, Венгрия, Руминия, Болгария ҳам СССРга қарши урушга қирдилар.

Совет ҳукумати 22-июн куни урушнинг бошланиши муносабати билан мамлакат халқига мурожаатнома ишлаб чиқди ва у ўша куни радио орқали эълон қилинди. Бу мурожаатнома халқни галабага эришиш учун мустаҳкам жипслашишга, уюшқоқлик ва фидокорлик кўрсатишга чақирди. “Бизнинг ишимиз ҳақ иш! Душман тор-мор қелтириладжак! Биз галаба қиламиз!” дейилган эди мурожаатномада.

СССР таркибига қирган барча республикалар, мухтор округлар, шу жумладан, Ўзбекистон халқлари ҳам уруш гирдобига тортилди. Ўзбекистон халқларнинг бошига оғир синовлар тушди. Урушнинг бошланганлиги тўғрисидаги шум хабар етиб қелган кунгек Ўзбекистоннинг барча шаҳарлари ва туманларида, қорхона ва муассасаларида митинглар ва йиғилишлар бўлиб ўтди. Ишчилар, хизматчилар, дехқонлар, зиёлилар, талаба ёшлар ўз Ватанларини химоя қилишга, юзма-юз жангларда босқинчиларни тор-мор этиш учун урушга боришга, галабани таъминлаш учун фронт орқасида фидокорона меҳнат қилишга тайёр эканликларини билдирдилар.

1941-йил 23-июн куни ВКП(б) МК Сийсий бюроси партия ва совет органларини уруш шароитига мослаб қайта қуриш тўғрисида қарор қабул қилди. Партия ва совет ҳукуматининг харбий ҳолат тўғрисида, харбий хизматга мажбур бўлган кишиларни қизил армияга сафарбар этиш тўғрисида, қурол-аслаҳа ишлаб чиқариш бўйича сафарбарлик режасини жорий этиш тўғрисида қарорлари қабул қилинди. СССР Халқ Комиссарлари Совети ва ВКП(б) МК 29-июнда мамлакат ҳаётини уруш талабларига мослаб қайта қуриш дастурини – фронт ёни вилоятларининг партия ва совет ташкилотларига ёъл-ёърикларини тасдиқлади ва тегишли ташкилотларга юборди. Ёъл-ёърикларда жангчилардан хар бир қарич ер учун қаттиқ жанг қилишни, мардлик ва жасорат кўрсатишни, партия ва совет ташкилотларидан ҳаракатдаги армияга хар томонлама ёрдам беришни уюштириш, қурол-яроғ, ўқ-дори, танқлар ва самолётлар ишлаб чиқаришни бутун қоралар билан қўпайтириш талаб қилинган эди. Фронт орқасини мустаҳкамлаш, қорхоналарнинг янада қучлироқ ишлашларини таъминлаш вазифалари қўйилди. “Хамма нарса фронт учун! Хамма нарса галаба учун!” – ёъл-ёърикнинг асосий талаби, кўрсатмаси ана шундай эди.

Мамлакатда ҳокимият, иктисодиёт, сийсий ва харбий ҳаётга раҳбарлик қилиш 1941-йил 30-июнда Сталин бошчилигида тузилган Давлат Мудофаа Қўмитаси (ДМК) қўлида тўлиқ равишда тўпланди. Унинг қарорларини, кўрсатмаларини бажариш хамма ташкилотлар учун мажбурий эди. Харбий ҳаракатларни бошқарувчи Олий Бош Қўмондонлик қароргоҳи тузилди ва Сталин СССР Қуролли қучларининг Олий Бош қўмондони хамда Мудофаа Халқ комиссари қилиб тайинланди. Совет раҳбарияти томонидан қўрилган бу тадбирларнинг ижроси ҳаётнинг барча соҳаларини харбий изга туширди, мамлакатни ягона харбий лагерга айлантирди.

Ўзбекистонликлар фронтга отландилар. Урушнинг биринчи ойидаёқ харбий

комиссарликларга 32 мингдан кўп ишчилар, хизматчилар, колхозчилар, ёшлар ўзларини фронтга жўнатишни сўраб ариза бердилар. Барча вилоят, шаҳар ва туман ҳарбий комиссарликлари ҳарбий хизмат мажбуриятида бўлганларни сафарбар этиш билан шугулландилар. Урушнинг дастлабки ойдаёқ юз минглаб ватандошларимиз кўлга қурол олиб фронтга жўнаб кетдилар.

Ўрта Осиё ҳарбий округи фронт учун жангчилар ва зобитлар тайёрлайдиган ўчоққа айлантирилди. Бу округ 1941-йил июнидан 1942-йил охиригача бўлган муддатда ҳарбий сафарбарлик асосида 109 та ҳарбий кўшилма тузди, ҳаракатдаги армияга ва Олий Бош Қўмондонлик қароргоҳи захирасига 86 дивизия ва бригада жўнатди. Ўзбекистон ҳукумати ва ватанпарвар кучлар миллий ҳарбий кўшилмалар тузиш ташаббуси билан чиқдилар. 1941-йил ноябридан 1942-йил мартигача бўлган даврда 14 та миллий ҳарбий кўшилмалар, жумладан, 9 та ўкчи бригада, 5 та отлик аскарлар дивизияси тузилиб фронтга жонатилди. Миллий қошилма аскарлари ва зобитларига яхши ҳарбий таълим беришда, улар билан фронтни мустаҳкамлашда Ўзбекистонда тузилган захирадаги 24-ўкчи дивизия катта рўл ўйнади. Дивизиянинг бошликлари ва зобитлари таркибида 178 ўзбек ўғлони фаол хизмат килди. Бу дивизия уруш йилларида 390 минг кишидан зиёд жанговар кучлар тайёрлади ва фронтга жўнатди. Умуман олганда 1941–1945-йиллар давомида Ўзбекистондан аниқроғи 1.433.230 киши урушга сафарбар бўлган. Ўзбек халқи, кексалар, ота-оналар дахшатли синов пайтида ўз фарзандларини фронтга жўнатар экан, уларга мард ва ботир аскар бўл, ҳамиша биринчи сафда юр, қаҳрамонларча жанг кил, галаба билан қайт, деб насиҳат қилиб қолардилар. Ўзбекистон партия ва совет ташкилотлари фронт орқасини мустаҳкамлаш, ҳўжалиқни ҳарбий изга тушириш, барча одамларни меҳнатга сафарбар этиш, кўплаб жанговар техника, қурол-аслаҳа, ўк-дорилар ишлаб чиқишни ёълга қўйиш бўйича шошилишч тадбирларни амалга оширдилар. Бу соҳадаги ишларга ВКП(б) МК ва Давлат Мудофаа Қўмитаси топшириғига биноан ишлаб чиқилган ва 16-августда тасдиқланган 1941-йил иккинчи ярми ва 1942-йил учун ҳарбий ҳўжалиқ ишлар режаси асос бўлиб хизмат килди. Бу режада мамлакатнинг шарқий минтақаларида, жумладан, Ўзбекистонда янги заводлар, шахталар, қонлар қуриш ҳамда қурол-аслаҳа, ўк-дори, айниқса кўплаб танк, самолёт, тўп ва замбараклар ишлаб чиқаришнинг қенг дастури белгилаб берилган эди. Дастурда транспорт ишини қайта қуриш, душман ишғол қилиши ҳавфи остида қолган жойлардаги саноат қорхоналарини қолхоз ва совхозларнинг мол-мулкларини, илмий муассасаларни шарққа қўчириш ва уларни жойлаштириш, янгидан ишга тушириш тартиблари ҳам белгиланган эди. Бу тадбирларни амалга оширишга 1941-йил 25-августда ташкил этилган Усмон Юсупов бошлиқ махсус республика ҳукумат комиссияси раҳбарлик қилди. Ўзбекистоннинг иқтисодий ва меҳнат ресурслари фронтга сафарбар этилди. Бутун СССР ҳудудида, жумладан, Ўзбекистонда янги меҳнат режими жорий қилинди, яъни иш қуни узайтирилди, дам олиш қонлари ва меҳнат таътиллари бекор қилинди.

Ўзбекистон саноатчилари 1941-йил охиригача 300 га яқин қорхонани жанговар техника, қуроллар, ўк-дори ишлаб чиқаришга мослаштириб қайта қурдилар. Бу қорхоналарда фронтга сафарбар этилган эрқаклар ўрнини кексалар, хотин-қизлар эгалладилар. Урушнинг дастлабки пайтларидаёқ 20 мингга яқин тошентлик хотин-қизлар саноат қорхоналари ва қурилишларда, 1700 га яқин республика хотин-қизлари қўмир қони шахталарида ишлашга ёъл олдилар. Ишлаб чиқаришни ишчи ва мутахассислар билан таъминлаш қоралари қўрилди. Республика олий ва ўрта махсус ўқув қуртлари,

хунар-техника билим юртлари, фабрика-заавод таълими мактабларининг фаолияти уруш даври талабларига мос кадрлар тайёрлашга ёъналтирилди. Якка тартибда ва бригада тарикасида хунар ўргатиш ишлари ёълга кўйилди. Республикамиз кишлокларининг ахалиси фронтни ва фронт оркасини озик-овкат, саноатни хом ашё билан таъминлаш учун оёкка турди. Хар бир колхозчи ва совхоз ишчиси икки-уч иш нормасини бажариш учун фидокорона мехнат килди.

Уруш бўлаётган ва душман якинлашиб келаётган худудлардан мухим са-ноат корхоналарини, колхоз, совхоз ва МТСларнинг мулкларини, маданий бойликлар ва ўкув масканларини Шаркка, жумладан, Ўзбекистонга зудлик билан кўчириб келтириш, жойлаштириш ишлари бошланиб кетди. 100 га якин саноат корхонаси, жумладан, 48 та машинасозлик, металл ишлаш, кимё ва бошка харбий техника ва махсулотлар ишлаб чикарувчи йирик заводларнинг асбоб-ускуналари кўчириб келтирилди. Ўзбекистон шахарларида шошилишч бўшатиб берилган ёки янгидан курилган биноларга кўчириб келтирилган асбоб-ускуналар зудлик билан жойлаштирилди ва монтаж килинди. Улар ишчи кучи, хом ашё, инструментлар билан таъминланди ва фронт учун махсулотлар ишлаб чикариш ёълга кўйилди.

Ўзбек халкининг инсонийлик, олижаноблик, болажонлик фазилатлари уруш йилларида мамлакатнинг гарбий вилоятларидан кўчириб келтирилган ахолига, болаларга кўрсатган очиккўнгиллиги, хамдардлиги ва гамхўрлигида ўз ифодасини топди. Ўзбек халки урушнинг дастлабки йилларида Россия, Украина, Белоруссия, Молдавия, Болтикбўйи республикаларидан кўчириб келтирилган бир миллиондан кўпрок кишиларни, шу жумладан, 200 мингдан кўпрок етим болаларни ўз багрига олди. Кўчириб келтирилган ахолини кабул килиш, жойлаштириш ва уларга зарур шарт-шароитлар яратиш масалаларини мехнат жамоаларининг йигилишларида мухокама килиш ва амалий ёрдам кўрсатиш ишлари кенг кулоч ёзди. 1941-йил 3-декабрда Ўзбекистон Компартияси МКнинг кўчириб келтирилган фукароларни кабул килиш ва жойлаштириш юзасидан махсус карори чикди. Халк Комиссарлари Совети хузурида 1941-йил 10-июлда тузилган махсус республика комиссияси ва махаллий советларнинг ижроия кўмиталари кошида тузилган алохида бўлимлар кишиларни хисобга олиш ва жойлаштириш билан шугулландилар. Кўчириб келтирилганлар шахар ва кишлок туманларига жойлаштирилди. Киска муддат ичида Андижон вилоятига 100 минг, Самарканд вилоятига 165 минг, Наманган вилоятига 53600 киши жойлаштирилди. Кўчиб келганлар Ўзбекистонда бошпана топдилар, иш билан таъминландилар. Ўзбек халки ўз нони, кийим-кечаги, турар жойини кўчиб келганлар билан бахам кўрди.

Ўзбеклар кўчириб келтирилган ота-онасиз ёш болаларга алохида гамхўрлик килдилар, 200 минг дан кўпрок етим болаларни ўз багрига олдилар. Халк Комиссарлари Совети кошида болаларга ёрдам кўрсатиш бўйича махсус комиссия тузилди, унинг ишида 30 та хотин-кизлар фаолият кўрсатди. Ўзбекистон Халк маорифи комиссарлиги ташаббуси билан болаларни кабул килиш-таксимлаш маркази тузилди. Республикамизнинг барча вилоятлари, шахар ва туманларида болаларни кабул килиш пунктлари очилди, уларда ўкитувчилар кечаю-кундуз навбатчилик килдилар. Милитсия бўлимлари кошида 30 дан ортик болалар хоналари ташкил этилди. Кўчириб келтирилган болалар турлича ёшда эдилар. 15 ёшгача бўлган болалар – болалар уйлари, мактаб-интернатларга жойлаштирилиб, уларда ўкув-тарбия ишлари ёълга кўйилди. Фабрика-заавод таълими мактаблари, хунар ва темир ёъл билим юртларининг собик талабалари ўкишни давом

этириши учун республика завод-фабрика мактабларида ўқишга жалб этилди. 15 ёшдан катта бўлган болалар эса ишлаб чиқаришга ишга жойлаштирилди.

1942-йил 2-январда Тошкент шаҳрида хотин-кизларнинг йигилиши бўлиб, унда республикамиздаги барча аёлларга карата мурожаат килинди. Мурожаатда етим болаларни ўз тарбиясига олишга даъват этилади. Кўплаб оилалар боқимсиз қолган болаларни ўзларига фарзандликка олдилар, топган-тутганларини улар билан баҳам кўрдилар. Турли миллатларга мансуб бўлган 14 болани фарзандликка олган тошкентлик темирчи уста Шоаҳмад Шоаҳмудов ва унинг хотини Баҳри Акрамовалар оиласи юксак инсонийлик фазилатларини кўрсатиб кўпчиликка ибрат бўлдилар. Урушдан ногирон бўлиб қайтиб келган каттакўргонлик Хамид Саматовлар оиласи 13 болани, самарқандлик қолхозчи аёл Фотима Қосимовалар оиласи 10 болани ўз қучоғига олиб, меҳр кўри билан уларнинг қалбини иситди, дилини ёритди. Ўзбекистон раҳбарларидан Усмон Юсупов ва Ёлдош Охунбобоевлар оиласи ҳам етим болаларни ўз тарбиясига олдилар. Ўнлаб болаларни фарзандликка олиб тарбиялаб вояга етказган оилалар республикамизда анчагина. Уларнинг буюқ инсонпарварлик, ватанпарварлик жасорати Тошкент шаҳрининг Халқлар дўстлиги майдонида яратилган ёдгорликда абадийлаштирилди. Ўзбекистонга жангларда ярадор бўлган ёки бемор бўлиб қолган минглаб жангчилар – аскар ва зобитлар ҳам жўнатиларди. Уларни қабул қилиб олиш, госпиталга жойлаштириш, саломатлигини тиклаш ишларига алоҳида меҳрибонлик қилинди, республикамиз соғломлаштириш марказларидан бирига айланди. 1941-йил 1-октябргача Ўзбекистон соғлиқни сақлаш халқ комиссарлиги тизимида 14950 ўринга эга бўлган 47 госпитал барпо этилди ва зарур ускуналар билан жиҳозланди. Айни пайтда Москвадан, Калинин, Ростов ва бошқа вилоятлардан 15900 ўринга эга бўлган 48 госпитал кўчириб келтирилиб, жойлаштирилди ва ишга туширилди. Ҳарбий касалхоналар қуриш кейинги йилларда ҳам давом этди. Ўзбекистонда 39140 ўринга эга бўлган 113 та госпиталда ярадор ва бемор жангчиларга тиббий хизмат кўрсатилди.

Вилоят, шаҳар, туман идора органлари госпиталдагилар ҳолидан хабар олиб турдилар, госпиталларга ҳўжалиқлар ташкил этиш ва иш юритиш учун ер майдонлари ажратиб бердилар. 1942-йилда 1513 меҳнат жамоалари, жумладан, 750 қорхона, қолхоз ва совхозлар госпиталларни оталиққа олиб, уларни ёқилғи, озик-овқат ва бошқа қишлоқ ҳўжалиқ маҳсулотлари билан таъминлаб турдилар. Ўзбекистонлик 18482 нафар донорлар ярадорларни оёққа турғизиш учун қон бериб турдилар. Уруш йилларида Ўзбекистондаги госпиталларга 164382 ярадор ва беморлар жойлаштирилди, уларнинг 87 фоизи, яъни 143101 қиши даволаниб қикдилар.

Ўзбекистонликлар орасида муқоффа фондини ташкил этиш, фронт учун иссиқ қийимлар тўплаш ҳаракати қенг ёйилди. Ишчилар, қолхозчилар ва зиёлилар шахсий жамғармаларини, қимматбаҳо буюмларини муқоффа фондларига топширдилар. Фақат 1941-йилнинг иккинчи ярмида Ўзбекистон қолхоз ва совхозлари фронт учун 59 минг от ва уларга қерақли ем-ҳашақ тўплаб бердилар. Махшур ўзбек раққосаси Тамақароним муқоффа фондига 50 минг сўм топширди. Муқоффа фондига 650 млн. сўм пул, 22 млн. сўмлик қимматбаҳо буюмлар, 55 қ.га қикин олтин, қумуш ва бошқа қимматбаҳо металлар тўпланди. Бу жамғарма ҳисобига республикамизда танқ қолонналари, авиатсия эскадрилиялари, бронепоездлар қурилиб фронтга жўнатилди. Ўзбекистонликлар жангчиларга эшелонлаб иссиқ қийимлар, мевалар жўнатиб турдилар. Давлат ҳарбий заёмларига ёзилиш ёъли билан анчагина маблаглар тўпланди. Аҳолидан иссиқ қийимлар тайёрлаш учун жун, қўй терилари йигиб олинди. Аҳолига давлат заёми, пул-буюм

лотереяси сотиш хисобига 4,2 млрд. сўм маблаг йигилиб галаба манфаатлари ёълида фойдаланилди.

Хуллас, урушнинг дастлабки йилидаёк Ўзбекистоннинг бутун моддий ва маънавий кучлари галаба учун сафарбар этилди, хаёт харбий изга туширилди, халк Ватан химоясига отланди.

Ўзбекистон саноати ва кишлок хўжалиги фронт хизматида

Уруш республика саноат тармокларининг ёъналишини хам, саноат ходимларининг ишини хам тубдан ўзгартирди. Корхоналарда янги меҳнат режими жорий килинди, иш куни узайтирилди, ишдан кейин қолиб ишлаш жорий этилди, меҳнат таътиллари, дам олиш кунлари бекор килинди.

Саноат корхоналари киска вақт ичида харбий изга солиниб, миномёт ва автоматлар, самолёт ва танклар учун эҳтиёт қисмлари ва бошка харбий қуроллар ишлаб чиқара бошладилар. Кишлоқ хўжалиқ машиналари ишлаб чиқараётган Тошкент кишлок хўжалиқ машинасозлиги заводи харбий қуроллар ишлаб чиқара бошлади. Андижондаги “Коммунар”, “Строймашина” заводларида самолёт ва танкларга керакли жиҳозлар, Қўкон шаҳридаги Охунбобоев номи тикувчилик фабрикаси харбий маҳсулот ишлаб чиқаришни ёълга қўйишда фидокорона меҳнат қилдилар. Республика бўйича 1941-йил охириларига қелиб 300 та саноат корхонаси фақат харбий маҳсулот ишлаб чиқара бошлади.

Ўзбекистон саноатчилари корхоналарни харбий изга туширишдек ишларни қўчириб қелтирилган корхоналарни жойлаштириш ва ишга туширишдек янада огирроқ ишлар билан қўшиб олиб бордилар. Тошкентда зудлик билан жойлаштирилган “Ростселмаш” заводи “Катюша” ва миномёт снарядлари, авиация заводи жанговар самолётлар, Колчугинскдан қелтирилган кабел заводи харбий алоқа маҳсулотлари етказиб бера бошлади.

Одамлар иродасига боғлиқ бўлмаган етишмовчиликлар сезиларди. Юқ қўтарувчи қранлар ёъқ эди, махсус асбоб-ускуналар, электр қувватлари, қўмир ва нефт каби ёқилгилар, хом ашё ва бошка материаллар етишмас эди. 1941-йил 5-7 декабр кунлари бўлиб ўтган Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг В пленумида республика саноатини харбий изга солиш, қўчириб қелтирилган асбоб-ускуналарни жойлаштириш соҳасидаги ишларга яқун ясақиб, корхоналарда қурол-яроғларнинг муҳим турлари – самолётлар, танклар, бронепоездлар, авиабомбалар, тўп ва замбараклар, гранаталар, миналар, снарядлар ишлаб чиқаришни қенг ёълга қўйиш вазифаси илгари сурилди.

Бунинг учун етарли даражада металл қирқувчи станоклар ва аниқ ўлчовчи инструментлар ишлаб чиқаришни ташқил этиш, нодир металллар қазиб олишни қучайтириш хамда қора ва рангли металлургия саноатини яратиш, электр энергетика базасини қенгайтириш, нефт қазиб олишни 2-3 баравар ошириш, қўмир қазиб олишни қучайтириш, йирик қурилиш материалларини ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этиш, киска муддатда 30 минг малакали ишчилар тайёрлаш тадбирлари белгилаб берилди.

Кўчириб келтирилган корхоналар тарихда мисли кўрилмаган киска муддатларда 4-5 ойда, айримлари хатто 1-2 ой давомида куриб битказилиб, фронт учун харбий махсулотлар бера бошлади. Уларнинг энг йириги Чкалов номли авиатсия заводи, Москва кабел заводи, Харьков электростанок заводи, кўтарма кранлар заводи, Ростовдан келтирилган “Красний Аксай”, Сулск насос заводи, вагон-ремонт заводи, “Красний пут” заводи, Киев “Транссигнал” заводи, “Кинап” заводи ва бошқалар эди. Бу корхоналарнинг хар бири ўрта ҳисобда 20 фоизгача ишчи ва инженер-техник ходимлар билангина келтирилган эди. Колган 80 фоизи республикамизнинг фабрика- завод таълими мактабларида, турли курсларда тайёрланган ишчи ва техник ходимлар билан таъминланди. Хотин-кизлар, кексалар, ёшлар корхоналардаги турли хил ишларга жалб этилди. Урушнинг бир ярим йили мобайнида Ўзбекистон саноатида хотин-кизлар салмоғи 29 фоиздан ошди ва 1943-йилда 63,5 фоизни ташкил қилди.

Республика саноат корхоналари кувватларининг кенгайиши, кўчириб келтирилган корхоналарнинг ишга тушиши биринчи навбатда электр энергияси ва ёкилги ишлаб чиқаришни кескин оширишни талаб қилди, мавжуд электр кувватлари бундай талабга жавоб беролмас эди. 1943-йилда Ўзбекистоннинг энг йирик гидроэлектростансияси – Фарход ГЕСи қурилиши бошланди, қурилиш зарур материаллар ва ишчи кучи билан таъминланди. Фарход қурилиши умумхалқ қурилишига айланди, бинокорлик ишлари ҳашар ёъли билан бажарилди. 10 ойлик фидокорона меҳнат натижасида Сирдарё жиловланди. Уруш йилларида Бўзсув дарёси ўзаниларида Товоксой, Окковок, Салар, Қуйибўзсув, Октепа, Қибрай ГЕСлари, Самарканд вилоятида Талигулян ГЕСи, 30 га яқин кичик колхоз ГЕСлари, шаҳарлар ва йирик корхоналар ёнида кичик ГЕСлар қурилиб ишга туширилди. Ўзбекистонда электр энергияси ишлаб чиқариш қарийб 2,5 бараварга, яъни 1940-йилда 482 млн. киловатт соатдан 1945-йилда 1187 млн. киловатт соатга кўпайди. Ёкилги саноатини ривожлантиришга ҳам катта куч ва маблағлар сарфланди. 1940-йил охириларида Охангарон дарёси оқимидаги Қурама тоғ тизмасида дастлабки кўмир казиб оладиган шахта қурилган эди. Уруш даврида “Ангренугол” кўмир қонида яна учта шахта ва очик усулда кўмир казиб олинadиган қарьер бунёд этилди. Ўзбекистон ва Қирғизистон чегарасида Қизилқия кўмир қони фойдаланишга туширилди, ўта иссиқлик кувватига эга бўлган қўнгир кўмир казиб олинди. Ўзбекистон кўмир саноати ходимларига 1942-йилда республикамизга қелишган Донбасс шахтёрлари кўмаклашдилар. 1940-йилда Ўзбекистонда атиги 3 минг тонна кўмир казиб олинган бўлса, 1945-йилда 103 минг тонна кўмир казиб олинди. Натижада республикада саноатнинг янги тармоғи – кўмир саноати барпо қилинди. Нефт-геология қидирув трести, нефт тармоғи қурилиш-монтаж трести, нефт казиб олувчи иккита трест, нефт казиб чиқариш асбоб-ускуналарини таъмирлаш заводи, нефт машинасозлиги заводи барпо этилди. Фарғона водийсида ишлаб турган Андижон, Полвонтош, Чангартос, Чимён нефт қонларида махсулот ишлаб чиқариш кўпайтирилди. Уруш йилларида Чуқурлангар, Толмозор, Найман, Шаҳрихон, Хўжаобод, Жанубий Оламушук ва бошқа янги нефт қонлари ишга туширилди. Нефт тозалаш заводи, озакрит ишлаб чиқариш ёълга қўйилди. Уруш йилларида республикада нефт ишлаб чиқариш 4 марта кўпайди ва 1945-йилда 478 минг тоннадан ортди.

Энергетика ва ёкилги саноатининг ўсиши машинасозлик саноатининг ривожланишига қулай база яратди. Гарбдан кўчириб келтирилган заводлар базасида 16 та станоксозлик, тўқимачилик ва машинасозлик корхоналари ташкил этилди. Урушдан олдинги республикамиздаги кўпгина заводлар ҳам турли асбоб-ускуналар, машиналар, жанговар техника ишлаб чиқаришга мослаб қайта қурилган эди. Бу корхоналарнинг

асосий хом ашёси металл бўлганлиги боис унга бўлган талаб тобора ошиб бора бошлади. Ўзбекистон ҳукумати 1942-йил 17-июнда Бекободда металлургия заводи куришга қарор қабул қилди. Иттифок ҳукумати зарур материаллар, маблаг би лан кўмаклашди. Россия ва Козогистон саноат корхоналаридан кўплаб асбоб-ускуналар келтирилди.

Ўзбекистоннинг биринчи металлургия заводи 1944-йил 5-март куни дастлабки металл маҳсулотларини бера бошлади ва тез кунларда заводнинг биринчи навбати, 1945-йил февралдан иккинчи навбати ишга туширилди. Геологик-кидирув ишлари натижасида кўплаб кора ва рангли металл конлари очилди. Уруш йилларидаёқ Лангар, Ингичка, Кўйтош, Гортёпа, Олмалик рангли металл конлари, Октош боксит конини ўзлаштириш ишлари бошланиб кетди. Улардан казиб олинган волфрам, молибден, мис, алюмин ва бошқа маҳсулотларни қайта ишлаш корхоналари курилди.

Кимё саноати ҳам ривожлана бошлади. 1944-йил январидаёқ Горкий ва Сталиногорск кимё комбинатларидан кўчириб келтирилган ускуналар асосида курилган Чирчик электрокимё комбинатининг иккинчи навбати муҳим кимё маҳсулоти – аммиак ишлаб чиқара бошлади. 1943-йилда Кувасой кимё заводи, Кўкон суперфосфат заводи, Фаргона гидролиз заводи курилиб ишга туширилди. Кимё саноати маҳсулотлари салмоғи 1940-йилга нисбатан 1945-йилда 6,1 бараварга кўпайди.

Уруш йилларида курилиш материаллари саноати, тўқимачилик ва поябзал саноати, озик-овқат саноати, маҳаллий саноат тармоқларини ривожлантириш тадбирлари амалга оширилди. Факат 1943-йилда 12 та ёғ заводи, 3 та пахта тозалаш заводи, 4 та канд ва 4 та консерва заводлари курилиб ишга туширилди. Уруш йилларида Ўзбекистонда 280 та янги саноат корхоналари курилиб ишга туширилди. Саноатнинг янги тармоқлари – авиация, станоксозлик, огир машинасозлик, кора ва рангли металлургия ҳамда бошқа тармоқлари вужудга келди. Тошкент СССРнинг энг катта саноат марказларидан бири бўлиб қолди. Бекобод саноат шаҳри вужудга келди. Янгийёл, Чирчик каби ёш шаҳарлар янада ривож топди.

Саноат корхоналарининг кенгайиши, янги курилган завод-фабрикаларнинг иши, муваффақияти уларни малакали ишчилар билан таъминлашга боғлиқ эди. Юз минглаб кишиларнинг, хусусан, тажрибали ходимларнинг фронтга сафарбар этилиши катта кийинчиликлар тугдирарди. Кексалар, аёллар, айникса армияга чақириш ёшига етмаган ўсмирлар ва кизлар корхоналарга жалб этилди, уларга хунар ўргатилди, республикада 100 мингдан кўпроқ малакали ишчилар тайёрланди. Факат хунар ва темир ёъл билим юртлари, фабрика-завод таълим мактаблари 57 мингдан зиёд ёш ишчи кадрларни тайёрлаб бердилар. Корхоналар зиммасига юкланган катта топшириқлар кишилардан жисмоний зўриқиш, хатто холдан тойгунча ишлашни талаб қиларди. Ўзбекистонликлар галаба учун ҳар қандай огирликни, кийинчиликларни енгиб ўтдилар, республикани кизил армиянинг қурол-аслаҳахонасига айлантирдилар. Ўзбекистон фронтга 2090 самолёт, 17342 авиамотор, 2318 минг авиабомба, 1,7 мингдан ортиқ миномёт, 22 млн. дона мина, 560 минг снаряд, миллионтача граната, 330 минг дона парашют, ҳарбий эҳтиёжлар учун 100 минг км.дан ортиқ маҳсус сим, 125 минг км. телефон кабеллари ва бошқа маҳсулотлар етказиб берди. Бу ўзбекистонликларнинг фашист босқинчиларини тор-мор этишга қўшган улкан ҳиссаси сифатида жаҳон тарихидан муносиб ўрин олди.

Урушда галабага эришиш транспорт иши билан боғлиқ эди. 1943-йил 25-январда “Тошкент темир ёъли иши тўғрисида” маҳсус қарор қабул қилинди. Темир ёъл ҳарбий ҳолатга ўтказилди, унда ишловчилар сафарбар этилган деб ҳисобланди, ҳарбий хизматчилар каби каттик интизомга риоя этиш мажбур қилиб қўйилди. Поездлар

харакатининг кўшинлар ва харбий юкларни биринчи навбатда ўтказиб юборишини кўзда тутувчи харбий график жорий этилди. Тошкент темир ёъл транспортчилари кўчириб келтирилаётган корхоналарнинг асбоб-ускуналарини ва миллионлаб кишиларни Гарбдан Шаркка, жанговар техника ва курол-яроглари Шаркдан Гарбга ўз вақтида тўхтовсиз ўтказиб туриш топширигини бажардилар. Шу билан бирга ликда Ўзбекистонда янги темир ёъллар курилиши жадал олиб борилди, 1941-1945 йилларда темир ёъл линиялари 2 бараварга узайди. Тошкент – “Ангренугол”, Бойсун – Откулок – Турангли, Тошкент – товар стансияси темир ёъллари курилиб ишга туширилди.

Алока, телефон, телеграф ходимлари ҳам уруш талабларига мослашиб ишладилар. Алока ходимлари Ўзбекистоннинг Марказ билан, республика рахбариятининг вилоят, шаҳар, туманлар, юзлаб саноат корхоналари билан алокасини ёълга кўйдилар. Тошкент – Самарканд – Ашхобод, Тошкент – Самарканд – Боку, Тошкент – Самарканд – Красноводск телефон линияси, иккита Тошкент – Самарканд – Бухоро телефон алока ёъллари курилди. 1943-йилда куриб ишга туширилган 500 км.лик телефон ёъли Тошкентни Хоразм вилояти ва Коракалпогистон республикаси билан боғлади. Йирик корхоналарнинг ўзларида ҳам 50–100 ўринли телефон стансиялари курилди. Натижада хўжаликларга рахбарлик килиш, уларга ўз вақтида кўмаклашиш ишлари яхшиланди. Почта бўлимларида ҳам иш хажмлари ошиб борди. Агар 1941-йилда ўрта ҳисобда битта почта ходими томонидан 50 минг хат-хабар жўнатилган бўлса, бу кўрсаткич 1942-йилда 74,5 мингга, 1943-йилда 77,5 мингга етди. Почта ходимлари фронтдаги жангчилар билан уларнинг ота-оналари, рафикалари, кариндошлари ўртасида алока боғловчи кўприк ролини бажардилар.

Уруш республика кишлок хўжалик ходимларини каттик синовдан ўтказди. Улар олдида саноатни хом ашё билан, аҳолини озик-овкат, кийим-кечак билан узлуксиз таъминлашдек улкан, мураккаб вазифа турар эди. Вазиятнинг мураккаблиги шундан иборат эдики, биринчидан, республика кишлок хўжалиги асосан пахта етиштиришга ёъналтирилган бўлиб, озик-овкат махсулотлари Иттифок фондидан келтирилар эди. Уруш бошлангач озик-овкат келтириш тўхтади, аҳолини бокиш учун ички имкониятларни излаб топиш зарур бўлиб колди. Иккинчидан, эвакуатсия килинган аҳоли ҳисобига шаҳарлар аҳолисининг кўпайиши озик-овкатга бўлган талабни янада оширди. Учинчидан, куч-куватга тўлган дехконлар фронтга ва харбий са ноатда ишлашга сафарбар этилган, дехкончиликнинг машаккатли ишлари кексалар, аёллар, ўсмирлар зиммасига тушган эди. Тўртинчидан, МТСлар ва совхозларга Гарбдан янги тракторлар, кишлок хўжалик машиналари ва уларга эҳтиёт қисмлар келтириш тўхтаб колган, бугина эмас, хўжаликлардаги тракторлар, автомобиллар, отларнинг бир қисми кизил армия эҳтиёжлари учун олиб кетилган эди.

Кишлок хўжалигининг барча бўгинларида катъий иш тартиби белгиланди. Энг кам микдордаги мажбурий меҳнат кунлари 1,5 бараварга оширилди, ўсмирлар учун ҳам 12 ёшдан бошлаб меҳнат кунлари белгиланди. Белгиланган микдордаги меҳнат кунларини бажариш мажбурий килиб кўйилди.

Уруш йилларида республика дехкончилигининг структураси кескин ўзгарди.

Пахтачиликни асосий тармок сифатида саклаб колган холда дон, канд лавлаги, каноп, пилла, сабзавот, полиз махсулотлари етиштиришни кўпайтириш тадбирлари кўрилди.

Биринчи навбатда экин экиладиган майдонларни кенгайтириш, ирригатсия кувватларини ошириш ишлари юксак суръатлар билан олиб борилди.

Усмон Юсупов ЎзКП(б) МКнинг 1941-йил декабрида бўлиб ўтган В пленумида Ўзбекистонда галла масаласини хал кишиш, ўзимизни ўзимиз уннос билан таъминлашимиз керак, деган вазифани илгари сурди. Дон экиладиган сугориладиган ер майдонлари кенгайтирилди. Заранг ерлар, кўриклар, тўкайлар, лалмикор ерлардан фойдаланилди. 1942-йилда 1408,1 минг гектар, 1943-йилда 2090,2 минг гектар ерга галла ва дуккакли экинлар экилди. Натижада дон махсулотлари етиштириш кўпайиб, 1941-йилги 4,8 млн. с. ўрнига 1953-йилда 5,3 млн. с. олинди, республика эҳтиёжлари кондирилди. Кишлоқ хўжалигида Ўзбекистон учун янги тармок – канд лавлаги етиштириш ёълга кўйилди. Самарканд, Фаргона, Тошкент, Кашкадарё вилоятлари лавлаги етиштириш бўйича ихтисослаштирилиб, 1942-йилдаёк 65 минг гектарга, кейинги йилларда 70 минг гектардан ортиқроқ хосилдор ерларга канд лавлаги экилди. Канд лавлагини кайта ишлаш, шакарканд ишлаб чиқариш учун Зирабулоқ, Кўкон, Янгийёъл канд заводлари курилди. Республика бўйича 1944-йилда давлатга 1 млн. 373 минг. с., 1945-йилда 1 млн. 646 минг. с. канд лавлаги топширилди. Уруш йилларида Ўзбекистон бутун Иттифокда ишлаб чиқарилган канднинг тўртдан бир қисмини берди. Уруш йилларида меҳнаткашлар чорвачилик, жун, қоракўл, тери етиштириш, пиллачилик жабхаларида ҳам фидокорона меҳнат қилдилар. Гўшт, ёғ, сут, картошка, сабзавот ва полиз махсулотлари, мева тайёрлашда кўрсатилган гайрат-шижоат туфайли мустаҳкам озик-овқат базаси яратилди. Республикамиз кишлоқ хўжалиги ходимлари уруш йилларида давлатга 1262 минг тонна дон, 54,1 минг тонна пилла, 482 минг тонна картошка ва сабзавот, 57,5 минг тонна мева ва узум, 36 минг тонна курук мева, 159 минг тонна гўшт, 22,3 минг тонна жун етказиб бердилар. Уруш йилларида ҳам пахтачилик кишлоқ хўжалигининг муҳим соҳаси бўлиб қолди. Пахтакорлар жонбозлик билан ишлаганларига қарамай, 1942–1943-йилларда пахта тайёрлаш режаси бажарилмай қолди. Давлатга 1 минг тонна пахта қам топширилди. Бунга бир қатор объектив ҳолатлар сабаб бўлди: пахта экиладиган майдонлар 1941-1943 йилларда 927650 гектардан 625343 гектарга қамайди; меҳанизатсия воситалари етишмасди; минерал ўғитлар, ёқилги қамайган эди; ерни хайдаш, чопиқ, сугориш, ирригатсия тармоқларини тозалаш ишларини ўз вақтида мунтазам олиб бориш учун ишчи қучи етишмаслигидан пахта етиштириш агротехникаси ёмонлашган эди. Республика раҳбарияти буни яхши тушунарди. Пахта майдонларини қисқартириш, бунинг ўрнига дон, канд лавлаги ва бошқа озик-овқат махсулотлари етиштириладиган экин майдонларини кўпайтиришга мажбур бўлган эди. Бироқ Марказдаги раҳбарлар бу объектив омилларни ҳисобга олмайди. Шу боис республика раҳбарлари Москвага чақирилиб муҳокама қилиндилар, уларни пахта тайёрлаш ишини ўз ҳолига ташлаб қўйишда, лаёқатсизликда айбладилар. Улардан ҳар қандай ёъл билан бўлса ҳам пахта тайёрлаш режасини бажариш, янада кўпайтириш талаб қилинди. Бу бошқаришнинг маъмурий-буйруқбозлик усулларини янада қучайтиришдан бошқа нарсаси эмасди. Бундай зугум натижалари ВКП (б) МК нинг 1944-йил 6-мартда қабул қилинган “О‘збекистон КП(б) МКнинг иши тўғрисида”ги қарорида ўз ифодасини топганди. Ўзбекистон Компартияси МКнинг 1944-йил апрел ойида бўлган Х пленуми мазкур қарорни бажаришга доир тадбирларни ишлаб чиқди. Иттифок ҳукумати Ўзбекистон пахтакорлари учун 2300 та янги трактор, 300 та юқ автомобили, 375 минг тонна минерал оғит ва бошқа кишлоқ хўжалик ускуналари ажратди. 1944-йилги пахта тайёрлаш режаси бағарилди, давлатга 1943-йилга нисбатан 375 минг тонна кўп пахта топширилди, 1945-йилда ҳам пахта тайёрлаш режаси бажарилди. Уруш йилларида республика пахтакорлари давлатга 4

млн. 806 минг тонна пахта хом ашёси этказиб бердилар.

Уруш йилларида ишчилар билан дехконлар ўртасидаги жипслик, ўзаро ёрдам янада кучайди. Саноат корхоналари колхозларни оталикка олиб, уларга кишлок хўжалик техникалари, эhtiёт қисмлар билан ёрдамлашдилар. Шахарликлар кишлок хўжалик махсулотларини йиғиштириб олишда фаол катнашдилар. Колхозчи дехконлар эса саноат соҳасидаги умумхалқ курилишларида фаол иштирок этдилар. Масалан, Фарход ГЕСи курилишининг ўзидагина 70 мингга яқин колхозчи катнашди. Ўзбекистон ишчилари ва дехконлари жипслашиб, фидокорона ишлаб, фашистлар устидан қозонилган ғалабага салмоқли ҳисса қўшдилар. 160 мингга яқин киши фронт орқасидаги фидокорона меҳнати учун “Шухрат” медали билан мукофотландилар.

Уруш ўзбекистонликларни оғир муҳтожликка дучор этди. Ҳамма нарсанинг фронтга сафарбар этилиши натижасида озик-овқат танқислиги вужудга келди. Шаҳарларда озик-овқатларни, саноат молларини қарточка асосида тақсимлаш жорий этилди. Ишчи ва хизматчиларга қунига 400–500 граммдан, оила аъзоларига эса 300 граммдан нон бериш белгиланди. Амалда эса аҳоли белгиланган меъёрлардан ҳам кам нон оларди. Гўшт, ёғ, балик, макарон, ёрмалар ҳам меъёрланган тартибда тақсимланар, қўп ҳолларда қарточкада қўрсатилган миқдорда берилмасди. Кишлоқ аҳолисининг турмуши янада оғирлашди. Озик-овқат ва саноат махсулотларини меъёрланган тарзда тақсимлаш кишлоқ аҳолисига жорий этилмади. Улар ишлаган меҳнат қўнлари учун деярли ҳақ ололмасди. Уларга озик-овқат махсулотлари матлубот кооператсияси дўконларида давлатга топширилган кишлоқ хўжалик махсулотларига қараб қатъий меъёрланган миқдорда бериларди. Аҳолини озик-овқатлар билан таъминлашни яхшилаш мақсадида саноат корхоналари қошида ёрдамчи хўжаликлар ташкил этишга рухсат берилди. Уларга вақтинча фойдаланиш учун 53 минг гектар ер ажратилди. Ишчи ва хизматчилар томонидан яқка тартибда полизчилик ишлари билан шугулланиш кенг тарқалди. Озик-овқат танқислиги шароитида пул тобора қадрсизланиб борди, чайковчилик авж олди. Муҳтожликларга қарамай саноат ва кишлоқ хўжалик ходимлари ғалаба учун, фронтга кетган фарзандлари ва эрлари учун фидокорона меҳнат қилдилар. Қийинчиликларга қарамай фронтга кетган жангчиларнинг оилаларига ҳар томонлама ғамхўрлик қилинди, болалари ясли ва богчаларга жойлаштирилди. Колхоз ва совхозлар жангчиларнинг оилаларига озик-овқат, экин экиш учун ер ажратиб берарди.

Уруш йилларида фан, маориф ва маданият. Ўзбекистоннинг қардош халқларга байналмилал ёрдами

Урушнинг дастлабки қўнларидаёқ СССР ФАнинг Ўзбекистон филиали, республикада ишлаб турган 75 та илмий муассасалар, шу жумладан, 25 та илмий тадқиқот институтлари, 23 та илмий стансия ва бошқалар, барча олимлар республика хўжалик ҳаётини ҳарбий изга солиш билан алоқадор муаммоларни ҳал этишга жалб этилди.

Уларнинг заводлар, фабрикалар, темир ёъл ва автомобил ёъллари транспорт корхоналари билан бевосита алокалари ўрнатилди. Олимларнинг тадқиқот ишларини мувофиқлаштириш мақсадида 1941-йил 29-ноябрда Ўзбекистон Илмий муҳандис-техника жамияти тузилди. Гарбий ҳудудлардаги йирик шаҳарлардан кўплаб илмий муассасалар Ўзбекистонга кўчириб келтирилди. СССР ФАнинг тарих, иқтисодиёт ва ҳуқуқ, жаҳон ҳўжалиги ва жаҳон сиёсати, шарқшунослик, жаҳон адабиёти, моддий маданият, тупроқшунослик, сейсмология институтлари, бир канча музейлар ва кутубхоналар шулар жумласига киради. Академиянинг 375 йирик олимлари ва ходимлари кўчиб келдилар. Ўзбекистонлик олимлар кўчиб келган йирик олимлар билан яқин алоқа боғладилар, республикамизда мавжуд бўлган ва кўчириб келтирилган илмий муассасаларнинг тадқиқот ёъналишлари қайта кўриб чиқилди, уруш талабларига мослаб ўзгартирилди. Олимлар ўзларининг асосий ёътиборини муҳофаа саноати учун зарур бўлган табиий ресурсларни излаб топиш ва улардан фойдаланишни ташкил этишга қаратдилар. Геолог олим Н.М.Абдуллаев ва бошқаларнинг тадқиқотлари натижасида қалайи, волфрам, молибден, ўтга чидамли элементлар, нодир металллар ва бошқа турдаги хом ашё қонлари топилди ва ўзлаштирилди. А.С.Уклонский бошчилигидаги геологлар гуруҳининг темир қонини топиши, ўзбек металлургия қомбинати қурилишини лойиҳалаштириш ва уларни фойдаланишга туширишдаги хизматлари қатта аҳамиятга эга бўлди. Д.М.Богданов ва муҳандис Г.К.Чикризлар Ангренда қидирув ишларига бошчилик қилдилар ва қўмир қонининг бой захираларини топиб янги шахталар қуришга қўмақлашдилар. Сирдарёдаги Фарход ГЭСининг лойиҳасини ихлаб чиқишда машҳур ирригаторлар А.Н.Аскоченский, В.В.Пославитскийлар фаол иштирок этдилар, лойиҳачиларга академиклар Г.О.Графито ва Б.Е.Веденевлар қимматли маслаҳатлар бердилар. Қимёгар олимлар нефтнинг сувини қетказиш, олтингугуртдан тозалаш, қўмирни кокслаш, пахта қикиндиладидан халқ ҳўжалигида фойдаланишнинг, этил спирти, сода, қислота олишнинг янги самарали усулларини яратдилар. Дори-дармонлар тайёрлаш борасидаги тадқиқотлар натижасида аҳоли эҳтиёжлари учун зарур бўлган турли хил дори-дармонлар ишлаб қикариш ёълга қўйилди. Тошкентда фарматсевтика заводи қурилиб ишга туширилди.

Бутуниттифок пахтачилик илмий-тадиқикот институти пахтанинг янги навларини етиштириш соҳасида самарали изланишлар олиб қорди. Селекционерлар С.С.Қанаш ва А.И.Автономов бошчилигида вилт қасаллигини юқтирмайдиган янги навини яратдилар. С.С.Қанаш яратган С-460, Л.В.Румшевич яратган Ф-108 юқори ҳосилли навлар, шунингдек, бошқа узун толали навлар пахтачиликнинг ривожидида улқан ҳисса бўлди. Ўзбекистонда экилиб қелинган америка пахта навларини янги навлар билан алмаштириш 1944-йилда тугалланди. Республика олимлари Самарқандда жойлаштирилган Тимирязев номидаги қишлоқ ҳўжалиқ академияси ходимлари билан ҳамқорликда гўза, бугдой ва қанд лавлагини алмашлаб эқиш усулини жорий этдилар. Ўзбекистон шароитида қанд лавлагидан мўл ҳосил олишга қўмақлашдилар.

Уруш йилларида гуманитар фанлар ҳам анча ривожланди. Йирик тарихчи, археолог, ҳуқуқшунос, шарқшунос, адабиётшунос олимлар ўзбекистонлик ҳамқасблари билан Ўзбекистон халқлари тарихи, маданияти ва адабиётининг муҳим масалаларини ишлаб қикдилар. В.С.Струве, В.А.Шишкин, Е.Е.Бертелс, И.К.Додонов, В.Ю.Зоҳидов, Х.Ш.Иноятлов, А.Ю.Якубовский, М.Е.Массон, С.П.Толстов, Я.Г.Гуломов ва бошқалар Ўзбекистоннинг энг қадимги ва ўрта асрлари тарихи, моддий маданияти ва маънавияти, Ўрта Осиё халқларининг этногенези бўйича қатор асарлар тайёрладилар. Икки қилдлик “Ўзбекистон халқлари тарихи”ни тайёрлашга қиришилди. Ёзувчи Алексей Толстой

рахбарлигида рус ва ўзбек олимлари биргаликда “Ўзбек адабиёти тарихи” асарини яратдилар.

1943-йил 4-ноябрда Ўзбекистон Фанлар академияси очилди, унинг биринчи президенти этиб таникли олим Т.Н.Кори Ниёзий сайланди. Фанлар академиясининг очилиши республика ҳаётида муҳим воқеа бўлди, илм-фаннинг янада тараккий этиши учун мустаҳкам пойдевор яратилди. Тез орада янги илмий муассасалар вужудга келди. Тил, адабиёт ва тарих институти базасида Тарих ва археология, Тил ва адабиёт институтлари, Шаркшунослик институти, Иктисодиёт, Математика ва механика, Тупрокшунослик, Физика-техника институтлари ва бошқа лабораториялар ташкил этилди. 1943-йилга келиб Фанлар академияси таркибида 23 та илмий муассаса, шу жумладан, 2 та лаборатория, тажриба стансиялари фаолият кўрсатди. Ўзбекистон Фанлар академиясининг уч фахрий аъзоси, 15 хакикий аъзоси, 20 мухбир аъзоси ва 1265 илмий ходими, шу жумладан, 54 та фан доктори ва 172 та фан номзоди илмий тадқиқот ишлари олиб борди. Улар орасида физика-математика фанлари докторлари Т.А. Саримсоков ва В.И.Романовский, геолог олим Х.М.Абдуллаев, физик олим С.У. Умаров, файласуф И.Мўминов, адиб С.Айний, ёзувчи Ойбек, шоир Г.Гулом ва бошқалар бор эди.

Шаркшунослик институти олимларининг Шарк кўлёзмаларини ўрганиш асосида тайёрлаган форс, араб ва туркий тилларда ёзилган кўлёзмалар тўплами жаҳондаги энг бой тўпламлардан бири бўлиб қолди. Тўплам 3 жилддан иборат бўлиб, уларда 300 га яқин кўлёзма тавсифлаб ва илмий жиҳатдан баҳолаб берилди. 1944-йилда ЎзФА Президиумида аспирантура ташкил этилди ва ўша йили 60 киши, шу жумладан, 41 ўзбек қабул қилинди. 1944-йилда Академия институтларида 2 та докторлик, 17 та номзотлик диссертациялари ёқланди. Уруш йилларида ўзбекистонлик олимлар мингдан ортиқ илмий ишларни бажардилар, уларнинг кўпчилиги халқ хўжалик ва мудофаа аҳамиятига эга бўлди.

Ўзбекистонлик ёзувчилар ва шоирлар ўзларининг кайнок ижоди билан халқни мардоналикка чорлаб, фидокорона меҳнатга руҳлантириб галабага муносиб ҳисса қўшдилар. Ўзбекистон ёзувчилари уюшмаси ўз фаолиятини душманни тезроқ тор-мор этишга қаратди. Унинг раёсати қошида ташвиқот ва тарғибот бўлими, ҳарбий комиссия тузилди. Ижодий зиёлиларнинг радио ва матбуотда кишиларни ҳушёрликка, ватанпарварликка, душманга қарши мардона жанг қилишга, фронт орқасини мустаҳкамлашга чорловчи чиқишлари билан катта аҳамиятга эга бўлди. Ўзбекистонга вақтинчалик қўчириб келтирилган рус, украин, белорус, молдован ва бошқа миллатларга мансуб ёзувчи ва шоирлар ҳам республикамиз ҳаётида фаол қатнашдилар, ўзбекистонлик ҳамкасблари билан яқиндан ҳамкорлик қилдилар. “Биз енгамиз!” деган алманах, “Ўзбекистон шоирлари – фронтга” деган антология ана шундай ҳасмкорликнинг меvasи бўлди. Ҳамид Олимжон, Уйғун, Собир Абдулла, Николай Погодинлар биргаликда “Ўзбекистон қиличи” мусикали драмасини яратдилар.

Уруш йилларида яратилган Ойбекнинг “Навой” ва “Қутлуг қон” романлари, Абдулла Қаххорнинг “Олтин юлдуз” қиссаси, “Хотинлар” асари жамоатчиликнинг юксак баҳосига сазовор бўлди. Шеърятда улкан юксалиш бўлди. Ҳамид Олимжоннинг “Қўлингга қурол ол”, “Шарқдан Гарбга келаётган дўстга”, “Жангчи Турсун” ва “Роксананинг кўз ёшлари”, Гафур Гуломнинг “Сен етим эмассан”, “Мен – яхудийман”, “Бизнинг қўчада ҳам байрам бўлажак”, Уйғуннинг “Қасам”, “Бир қадам ҳам орқага чекинилмасин” ва “Мактуб”, “Максуд Шайхзоданинг “Она қузатмоқда” ва “Капитан Гастелло” шеърлари, Шароф Рашидовнинг

“Кахрим” шеърлар тўплами, Султон Жўранинг “Пулемётчи овози”, “Найзамиз” шеърлари фашизм кирдикорларини фош этиб, галаба козонишга ишончни куйлаб, халкнинг жанговар руhini кўтарди. Она замин, Ватанга садокат, душманга нафрат, жасорат ва мардликни тараннум этган бу теран шеърлар жанговар куролдан қолишмайдиган дахшатли курол бўлиб хизмат килди.

Ўзбекистон халк таълими, жумладан, олий ўқув юртлари огир синовлардан ўтди. Кўпчилик профессор-ўқитувчилар, талабалар фронтга сафарбар этилди. Касб ёъналиши якин бўлган институтлар, факултетлар, кафедралар бирлаштирилди, айримлари ёпилди. Самарканд кооператив институти билан Тошкент молия-иқтисодиёт институти, Тошкент ва Самарканд тиббиёт институтлари, Ўзбек ва Ўрта Осиё давлат университетлари бирлаштирилди. Уларнинг бўшаган биноларига харбий муассасалар, госпиталлар жойлаштирилди. Москва, Ленинград, Киев, Харьков, Воронеж, Одесса ва бошқа шаҳарлардан 1941–1943-йилларда кўчириб келтирилган 35 олий ўқув юрти ва 7 харбий академия қабул қилиб олинди, уларнинг баъзилари ўзаро ёки Ўзбекистон олий ўқув юртлари билан бирлаштирилди. Ўз профессор-ўқитувчилари билан кўчириб келтирилган олий ўқув юртларининг фаолияти республикада олий таълимнинг янада ривожланишига ижобий таъсир этди. Москвалик ва ленинградлик олимлар талабаларга янги курслар бўйича маърузалар ўқидилар, маҳаллий миллат вакиллари билан илмий-педагогик кадрлар тайёрлашга кўмаклашдилар, янги мутаххасисликлар бўйича кадрлар тайёрлаш ёълга қўйилди. Улар халк хўжалик ва харбий аҳамиятга молик мавзуларда тадқиқот ишларини уюштирдилар. Ўзбекистон ҳукумати олий ўқув юртларидаги кийинчиликларни бартараф этиш, моддий базасини мустаҳкамлаш, ўқитувчилар билан таъминлаш масалаларида кўмаклашди. Йирик олий ўқув юртларида докторантура ва аспирантурага қабул кенгайтирилди. Республика микёсида ишлаб турган рахбар ходимлар олий ўқув юртларига ишга юборилди. 1945-йилда олий ўқув юртлари сони 1940-йилга нисбатан 3 тага кўпайиб 33 тани ташкил этди, талабалар сони эса 19,1 мингдан 21,2 минг кишига ортди. Уруш йилларида ҳаммаси бўлиб 10 мингдан кўпроқ олий малакали ва 3,7 мингга якин ўрта махсус маълумотли мутаххассис тайёрланди.

Халк маорифида ҳам жиддий кийинчиликлар бўлди. Кўплаб мактаблар бинолари госпиталлар, ётокхоналар, харбий ўқув юртларига берилди. Мактаблар бирлаштирилди, кўп сменали ўқиш жорий этилди. Урушгача республика мактабларида ишлаётган ўқитувчиларнинг 74,6 фоизини эркаклар ташкил этарди. Улар фронтга, ишлаб чиқариш ишларига кетди. Бунинг устига дарсликлар, ускуналар, дафтарлар етишмас эди. Киска муддатли курслар ташкил этилиб, бошлангич синфлар учун ўқитувчилар тайёрланди, бошқа ишга кетган ўқитувчиларни мактабга қайтариш тадбирлари қўрилди, уларнинг моддий-маиший аҳолини яхшилашга гамхўрлик қилинди. 1944-йилда ўқитувчилар армия сафидан мактабларга қайтарилди. Ўқувчиларнинг жисмоний тайёргарлиги яхшиланди, кундалик ўқиш фойдали меҳнат билан олиб борилди. Ўқишдан ташқари вақтларида ўқувчилар госпиталларга оталик ёрдами бердилар, фронтдагиларнинг оилаларига кўмаклашдилар, темир-терсак тўплаб топширдилар, кишлок хўжалик ишларига қатнашдилар. Мактабларда таълим-тарбия сифатини яхшилаш мақсадида ўқувчилар билимини баҳолашнинг беш балли тартиби, бошлангич ва етти йиллик мактабларни тамомловчилар учун етуклик аттестати – гувоҳномаси учун имтихонлар топшириш мажбурияти, мактаб ўқув дастурларини аъло ўзлаштирган ва аъло хулкли ўқувчиларни

олтин ва кумуш медаллар билан тақдирлаш жорий этилди. Бу тадбирлар дарс машгулотлари савиясини кўтаришга, ўқувчилар интизомини яхшилашга олиб келди. Кўчириб келтирилган муассасалар ўз жойларига қайтиб кета бошлагач, мактаб бинолари ҳам бўшатила борди, ўқувчилар ўз мактаблари бағрига қайтиб ўқишларини давом эттирдилар. 1940-41 ўқув йилида 5504 та умумтаълим мактабларида 1368,9 минг ўқувчи ўқиган бўлса, 1945-46 ўқув йилида 4976 та умумтаълим мактабларида 989,2 минг бола таълим олди.

Уруш йилларида республика оммавий ахборот воситалари оммани фронт учун, галаба учун сафарбар этишга, халкни гоёвий-сиёсий жихатдан тарбиялашда муҳим омил бўлиб хизмат қилди. Ўша дамларда Ўзбекистонда 200 га яқин газета, шундан 124 таси ўзбек тилида, 52 та журнал, шундан 19 таси ўзбек тилида нашр этилар эди. Газеталарнинг бир галлик адади 900 минг, шундан 600 минг нусхаси ўзбек тилида чиқарди. Газеталар ва журналлар саҳифаларида фронтдаги вазият, республика меҳнат жамоаларининг фидокорона меҳнати, кийинчиликлар ёритиларди.

Ўзбекистоннинг бир гуруҳ ёзувчи ва журналистлари совет армияси сиёсий бошқармалари ихтиёрига юборилди. Булардан Тўлқин Рустамов ва Расул Мухаммадий совет армияси бош бошқармасида инспектор, Жалолхон Азизхонов, Рустам Абдурахмонов, Адхам Раҳмат, Шариф Бўлатов, Мухаммаджон Муродов, Ёлчи Билолов ва бошқалар фронт газеталарида муҳаррир ўринбосарлари бўлиб хизмат қилдилар. Назир Сафаров, Мирзакалон Исмоилий, Зиннат Фатхуллин, Мели Жўра, Тўгон Эрназаров, Султон Жўра ва бошқалар ҳарбий муҳбирлар сифатида ҳамда журналистиканинг бошқа жанговар соҳаларида фаолият кўрсатдилар. Уруш йилларида ўзбек тилида 14 та фронт ва 12 та дивизия газетаси нашр этиларди. “Фронт ҳақиқати”, “Кизил аскар ҳақиқати”, “Кизил армия”, “Ватан шарафи учун”, “Душманга қарши олға” каби газеталар нашр этилган.

Уруш йилларида радио ходимларининг, маданий-маърифий муассасаларнинг хизматлари ҳам катта бўлди. Уруш йилларида 754 та кино установка, 11 та музей, 360 та кироатхона, 1044 та клуб, 433 та кутубхона, 2800 та кизил чойхона омма орасида сиёсий, маданий-маърифий, тарбиявий ишларни олиб бориш маркази сифатида хизмат қилди. Уруш йилларида сахна санъати ривожланди. Тошкентда ва Андижонда янги театрлар очилди, республикада ҳаммаси бўлиб 36 та театр ишлаб турди. Шунингдек, кўчириб келтирилган 14 та театр ҳам фаолият кўрсатди. Республика театр жамоалари 1942–1944-йилларда 203 та янги асарни сахналаштирдилар. Кўпгина спектакллар уруш мавзусига бағишланган эди.

Халқ ашулачиларининг, талантли бастакорларнинг ижоди зўр шухрат қозонди. Тўхтасин Жалилов ва Юнус Ражабий халқ мусика санъатининг анъаналарига таяниб, ёрқин халқчил асарлар яратдилар. М.Ашрафий, Т.Содиқов, М.Бурхоновлар мусика маданиятини юксак даражага кўтардилар. Тошкент бадиий филмлар студияси вақтинча кўчиб келган йирик киноматографлар билан ҳамкорликда “Икки жангчи”, “Насриддин Бухорода”, “217-рақамли одам”, “Ватанга совға”, “Беш республиканинг филм-консerti” номли кинофилмларни яратдилар.

Ўзбекистон рассомлари зўр гайрат билан ишладилар. Л.Абдуллаевнинг “Кизил армияга кузатув” ва “Мукофот билан тақдирлаш”, Ў.Тансиқбоевнинг “Отлиқлар хужуми” ва “Паризан киз”, Ч.Аҳмаровнинг “Ўзбекистон – фронтга”, В.Е. Кайдаловнинг “Фашист газандаси ёёқ қилинди” ва “Душманга қашатқич зарба” асарлари Ўзбекистон бадиий

хазиначидан мустахкам ўрин эгаллади. Уруш йилларида Ўзбекистон рассомлари 39 та кўргазма ташкил этдилар, беш мингдан кўпроқ бадиий-сиёсий плакатлар яратдилар. Ўзбекистон санъат ходимлари меҳнаткаш халққа, жангчиларга хизмат қилиб, уларнинг руҳини кўтариб турдилар. Санъаткорлардан тузилган 30 дан ортиқ концерт бригадалари фронтдаги жанговор ҳарбий қисмларнинг аскар ва зобитлари учун 400 дан кўпроқ концерт бердилар, республика ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмларда 15 мингта, госпиталларда 10 мингта концерт уюштирдилар. Ишчилар, пахтакорлар ҳузурида доимо хизматда бўлдилар. Бу тадбирларда фаол қатнашган атоқли санъаткорлар: Халима Носирова, Тамарахоним, Аброр Хидоят, Лутфихоним Саримсокова, Сора Эшонтўраева, Аббос Бакиров, Коммуна Исмоилова ва бошқалар халқ ҳурматиغا сазовор бўлдилар. Ижодкор зиёлиларнинг асарлари, санъат усталарининг чиқишлари халқни маънавий жиҳатдан кўтарди, оммани галаба учун курашга сафарбар этишда муҳим омил бўлди. Ўзбек ижодкорлари фашизм устидан қозонилган галабага муносиб ҳисса қўшдилар.

Совет халқи хали уруш давом этаётган кийин пайтлардаёқ душмандан озод этилган шаҳар ва қишлоқларни, завод, фабрика ва бошқа ҳўжалиқларни қайта тиклашга киришди. Озод этилган ҳудудлардаги ҳўжалиқни тиклаш ишларида Шарқдаги барча республикалар, вилоятлар, шу жумладан, Ўзбекистон ҳам фаол қатнашди. Урушда за-рар кўрган вилоят, шаҳар ва туманларга ёрдамлашиш билан боғлиқ бўлган ма-салалар республика ҳукумати, вилоят, шаҳар ва туман ташкилотлари ҳамда кенг жамоатчилик орасида мунтазам равишда муҳокама қилиниб, зарур тадбирлар амалга ошириб борилди. Ёрдам давлат ёъли билан ва жамоатчилик ёъли билан амалга оширилди. 1943-йилнинг баҳорида Ўзбекистон озод этилган туманларга 2 минг трактор, автомобил ва қишлоқ ҳўжалиқ машиналари, 8 минг от ва ҳўкиз, 170 минг бош қўй ва эчки жўнатди. 1943-йилнинг октябрида ўзбекистонлик ёшлар ленинградлик болаларга 250 тонна озиқ-овқат, 10 минг жуфт пояфзал ва қийим, 2 млн. сўмдан кўпроқ пул юборди. Ўзбекистон темир ёълчилари озод этилган жойлардаги темир ёълларни тиклашга катта ёрдам бердилар. Тошкент товар стансияси темир ёълчилари 35 та кўтаргич асбоблар комплекти, 350 дона слесарлик асбоблари, 2 мингдан ортиқ эҳтиёт қисмларни тўплаб Гарбдаги стансияларнинг бирини тиклаш учун жўнатди. 1943-йил 30-мартда Тошкент темир ёълчилари асбоб-ускуналар ортилган бутун бир эшелонни Сталинград темир ёъл тармоғини тиклаш учун юборди. Ўзбекистонга қўчириб келтирилган қорхоналар, илмий ва маданий муассасалар, ўқув юртларини ўз ўрнига қайтариш, биноларни тиклаш ва жойлаштириш ишларида ҳам фаол қатнашдилар. Кўплаб ўзбекистонлик мутахассислар ва ишчилар рус, украин, белорус, молдован дўстларига қўмаклашиш учун жўнаб кетдилар. Факат 1943-йилда ўзбекистонликлардан 60 мингга яқин киши Свердловск, Челябинск, Москва, Иванов ва бошқа вилоятларда ишладилар. Ўзбекистон алоқачилари 540 муҳандис, техник ва бошқа мутахассислардан иборат махсус баталон тузиб, уни зарур асбоб-ускуна ва материаллар билан таъминлаб Гарбга жўнатди. Баталон Россия, Украинада кўплаб алоқа воситаларини тиклашда фаол қатнашди. Гарбий вилоятларни тиклаш ишларига республикамизнинг фабрика-завод таълими мактабларини, хунар-ўқув юртларини эндигина тамомлаб чиқаётган ёшлар кўпроқ юборилди. 1943–1945-йилларда Донбасс, Киев, Ленинград ва Урал қорхоналари, қурилишлари ва темир ёълларида ишлаш учун Ўзбекистон меҳнат резервлари мактабларининг 15 минг талабаси жўнатилди. Озод этилган ҳудудлар аҳолисига қардошларча ёрдам, республиканинг ўзида молиявий ресурслар, асбоб-ускуна ва

материаллар, малакали кадрлар, истеъмол моллари етишмай турган огир бир шароитда берилди. Уруш йилларида Ўзбекистон аҳолисининг турмуш савияси кескин пасайиб кетганига, хўжалик харбий изда ишлаётганига карамасдан кардош халкларга кўрсатган байналмилаллик ёрдами ўзек халкининг буюк инсонийлик фазилатларга содик эканлигининг гувоҳидир.

Сталин ва унинг атрофидаги югурдаклари томонидан уруш йилларида ҳам кичик халклар, этник гурухларга нисбатан адолатсизлик килинди. Урушнинг дастлабки йилидаёқ Волгабўйи немислар автоном республикаси тугатилди. Унинг 300 мингдан ортиқроқ аҳолисидан “боскинчилар ёрдам олиши мумкин”, деган гумон билан уларни ушлаб турган жойларидан махрум этиб, Сибир ва Козогистонга кўчириб юборилди. 1943-йил охирлари – 1944-йил бошларида Волганинг куйи окими ва Каспий денгизи киргокларида яшовчи калмоқлар, Шимолий Кавказда яшовчи корачойлар, чеченлар, ингушлар ва болкарлар, 1944-йил июнида крим татарлари, греклар, кейинроқ месхети турклари ҳам ўз ватанларидан Сибир ва Ўрта Осиёга бадарга килиндилар. “Бу халклар фашистлар билан ҳамкорлик килишда” айбланди, ҳеч кимдан ҳеч нарса сўраб-суриштирилмади, ҳар бир одамнинг канчалик айбдорлиги, гуноҳкорлиги аниқланмади, ҳамма оммавий равишда касттик жазоланди. Кўчириш яширин ҳолатда ва шошилиш равишда амалга оширилди. Бу катта кулфатларга, кўпчилик одамлар, болаларнинг ёлда кирилиб кетишига олиб келди. Бу халклар адолатсиз жазоланаётган бир пайтда, уларнинг фарзандлари, ёру-биродарлари фашистларга қарши жанг килмокда эдилар. Улар юртдошлари бошига тушган кулфатдан беҳабар эдилар. Кўчирилганлар Сибир ва Ўрта Осиёнинг аҳолиси камроқ бўлган туманларига гурух-гурух килиб тақсимланди.

Ўзбекистонга 175 мингдан ортиқроқ чеченлар, 157 минг ингушлар, 150 мингдан ортиқроқ крим татарлари, 4,5 минг болкарлар, ўн минглаб месхети турклари, греклар кўчириб келтирилди. Ўзбек халқи уларни бегараз кутиб олди, яшаш учун уй- жой, озик-овкатлар билан ёрдам берди. Маҳаллий ҳокимият уларга ҳосилдор ерлардан томорка ер, уй қуриш ва хўжалик юритиш учун кредит маблағлари ажратди. Кўчириб қелтирилганлар анча машаққатлар билан янги жойларга аста-секин мослашиб бордилар.

Сталин бошлиқ Марказий ҳокимият амалга оширган миллий сиёсатнинг зарари, адолатсизлиги одамларнинг каттик катагон килиниши билан чегараланиб қолмади. Унинг мудҳиш эканлиги яна шундаки, кўплаб халкларнинг миллий давлатчилиги бузилди, республикалар ва мухтор вилоятларнинг ҳақ-ҳуқуқлари поймол килинди. Энг даҳшатлиси шундаки, бутун-бутун халкларнинг миллий маданияти, қадриятлари ва анъаналари оёқ ости килинди. Бундай “миллий сиёсат” Марказ томонидан бутун воситалар билан ташвиқот қилинаётган Совет Иттифоқидаги халклар ўртасида бузилмас дўстлик тўғрисидаги гоёга соя, қора доғ бўлиб тушди. Бундай зўравонликнинг зарарли оқибатлари ханузгача тўла бартараф этилганича ёёқ. Вақти-вақти билан миллатлар ўртасида низолар, қожеалар чиқишига сабаб бўлиб қелмокда.

Ўзбекистонлик жангчиларнинг фашизмни тор-мор етишдаги жасоратлари

Урушнинг дастлабки кунларидаёк Гарбий чегаралардаги харбий кўшилмалар таркибида хизмат килаётган ўзбекистонликлар фашист боскинчиларига қарши жангга кирдилар. Чегарада жойлашган Брест қалъасининг 50 дан ортиқрок миллатга мансуб жангчилари орасида ўзбекистонликлардан Дониёр Абдуллаев, Бобоҳалил Кашанов, Аҳмад Алиев, Нурум Сиддиқов, Узок Отаев ва бошқалар ҳам бор эди. Улар қалъа химоячилари билан елкама-елка туриб душманнинг катта қучларига қарши қарийб бир ой давомида охириги томчи қонлари қолгунча жанг қилдилар. Гарбий чегаралардаги дастлабки жангларда тошкентлик Зоқир Қаримов ҳам жасорат кўрсатди. У Қрим ва Кавказда ҳам душман билан олишди, мардлик ва жасорати учун И ва ИИ даражали “Шухрат” ва бошқа орденлар ҳамда “Жасорати учун” медали билан тақдирланди.

Ўзбекистонлик жангчилар Смоленск, Киев, Одесса, Севастопол ва бошқа шаҳарлар муҳофаазида қатнашдилар. Одесса химоясида Омон Умаров, сапёрлар ротасининг командири Ҳамза Зарипов жасорат кўрсатдилар. Омон Умаровнинг кичик харбий бўлими Одесса ёнида қурилган душман аэродромига ҳужум қилиб душманнинг 16 самолёти ва 30 автомашинасини ёқиб юборди. Афсуски, Керч учун бўлган жангларда у ҳалок бўлди. Ҳамза Зарипов ротаси миналаштирилган ёлда душманнинг 27 танки ва 13 бронетранспортерини портлатди.

1941-йил кузқиш ойларида Москва остоналарида ҳаёт-мамот жанглари бўлди. Унда, бир томондан қандай қилиб бўлса ҳам Москвани эгаллаш учун интилган, иккинчи томондан, қандай қилиб бўлса ҳам Москвани қўлдан бермаслик учун оёққа турган тарихда мисли қўрилмаган даражадаги катта харбий қўшинлар тўқнашди. Ана шу дахшатли жангларда ўзбекистонлик жангчилар ҳам сабот-матонат, юксак харбий маҳорат кўрсатдилар. Жануби-Гарбий фронт таркибида бир ўзи душманнинг бир ДЗОТ, 9 аскар ва зобитини ёёқ қилиб, 3 тасини асирга олиб қелган Қўчқор Турдиев Қаҳрамон унвонига сазовор бўлди.

Тошкентда узок йиллар хизмат қилган генерал И.В.Панфилов Алмати шаҳрида туркистонликлардан дивизия тузди. Унинг командирлари таркибида Тошкент пиёда билим юрти ва Ўрта Осиё харбий округининг харбий-сиёсий билим юртида таълим олган 180 зобит бор эди. Генерал И.В.Панфилов дивизияси Москва остоналаридаги Волоколамск ёъналишида қаттиқ жанг қилди, оммавий қаҳрамонлик кўрсатди. Дивизия жанг майдонида душманнинг 114 танкини, 26 минг аскар ва зобитини, 5 самолёт ва бошқа қўплаб техникасини ёёқ қилди, ҳаракатдаги жанговар техникасининг анча қисмини қўлга қиритди. Жангларда взвод командири Иқром Ҳалилов, Зариф Иброҳимов, Мамадали Мадаминов, Абдулла Тоғаев, жарроҳ Гулом Абдурахимов ва бошқалар жасорат кўрсатдилар. Жангда дивизия қўмондони И.В.Панфилов ҳалок бўлди, аммо унинг қуролдошлари 8-гвардиячи Панфиловчи дивизия номи билан душман тор-мор этилгунча жанг қилдилар.

Ўзбекистонда тузилган 21- ва 44-отлик аскарлар дивизияси Москва остоналарида жанг қилиб қаҳрамонлик намуналарини кўрсатдилар. Шулар қаторида 1-отлик аскарлар корпусининг жангчилари Ҳ.Мусаев, Р.Абдуқосимов, А.Абдуллаев, бўлим командири Р.Алиев, взвод командири кичик лейтенант Ҳ.Бектурсунов, 2-отлик аскарлари корпусининг жангчилари З.М.Қосимов, Р.С.Ҳалилов, катта сержант В.Қодиков, эскадрон командири М.Иброҳимов ва бошқалар бор эди.

Ўзбекистонда тузилган 258-ўқчи дивизия аскарлари Москва остоналаридаги жангларда

9 мингдан кўпроқ душман аскар ва зобитларини ер тишлатиб, 137 та аҳоли яшайдиган манзилгоҳларни озод этади, кўплаб жанговар техникани кўлга туширади. Ушбу дивизия Калугани озод этишда кўрсатган матонати учун гвардиячи дивизия унвонига сазовор бўлади. Дивизиянинг ордени ва медаллар билан мукофотланган командирлари ва сиёсий ходимлари орасида Б.Ўразов, Г.Толипов, М.Бекмуродов, В.Кашапов ва бошқалар бор эди.

Москва химоячилари орасида ўзбек кизи Зебо Ганиева ҳам бор эди. У Москвадаги театр санъати институтида ўқир эди. Уруш бошлангач, Зебо Ганиева ўз юрти Андижонга қайтиб келишни эмас, фронтда жанг қилишни афзал кўрди. Тез орада мохир мерган ва разведкачи бўлиб етишди. Унинг харбий қисми Москва-Волга канали бўйлаб жойлашган эди. Мерган Зебо Ганиева 1942-йил 21-май кунига 23 та фашистни ер тишлатди, 16 марта разведкага бориб, душман тўғрисида қимматли маълумотлар олиб келди. Зебо Ганиева жасорати учун ҳукумат ордени билан мукофотланди. 1943-йил августда Демянскда бўлган жангда Зебо Ганиева оғир ярдор бўлди, 33 марта жароҳлиқ оператсиясига бардош бериб ўлимни енгиб ўтди. Москва остоналарида ўзбекистонлик мерганлар Ишочов, 354 фашистни, Абубеков 229, Юсупов 132, Мадаминов 123 фашист аскар ва зобитларини ер тишлатдилар.

Ўзбек халқи Москва химоячиларига қўмаклашиш учун қўлидан келган барча тадбирларни кўрди. 1753 нафар ўзбекистонлик жангчилар “Москва муҳофаази учун” медали билан мукофотландилар. Москва ёнидаги жангда душман тор-мор этилди. Бу унинг Иккинчи жаҳон уруши бошлангандан бери ўтган икки ярим йил орасидаги биринчи йирик мағлбияти эди. Фашистларнинг “яшин тезлигидаги уруш” режаси бутунлай барбод бўлди. Бунга ўзбек халқининг қўшган ҳиссаси бекиёсдир.

Ўзбекистонлик жангчилар 1942-йилда Крим, Донбасс, Дон, Кубан, Шимолий Кавказда бўлган оғир жангларда ҳам қатнашиб ўз вазифаларини бажардилар. Ўзбекистонда узок йиллар хизмат қилган генерал И.Е.Петров Севастопол учун бўлган 8 ойлик муҳофаа жангларининг бошлиқларидан бири эди. У қатта харбий маҳорат билан алоҳида денгиз бўйи армиясига қўмондонлик қилди, Севастополни қуруқликдан химоя қилишни ташкил этди. Унинг адъютанти тошкентлик қатта лейтенант З.Каххоров эди. Генерал И.Петров Шимолий Кавказ fronti, кейинроқ 4-Украина frontiга қўмондонлик қилди, Берлин оператсиясида қатнашди.

Ўзбекистонликлар 62- ва 63-армиялар сафида туриб тарихий Сталинград жангида қаҳрамонона жанг қилдилар. Жанглар авжига чиққан пайтда Сталинградга Самаркандда ва Фарғонада тузилган 90- ва 94-ўқчи бригадалар етиб келиб жангга қирдилар. Бу бригадалар асосан ўзбек йигитларидан тузилган бўлиб, командирлар орасида С.Нуриддинов, В.Умаров, А.Муродхўжаев, Ф.Норхўжаев ва бошқалар бор эди. 21-отлик аскарлар дивизиясининг баланд жанговар руҳда жанг қилишида дивизия комиссари, кейинроқ генерал-майор унвонига эришган Муллажон Узоқовнинг хизмати қатта бўлди. 128-гвардиячи Туркистон тоғ-ўқчи дивизияси аскарлари душманга қарши шиддатли зарбалари билан шухрат қозондилар. Кичик лейтенант М.Қабиров взводи Переловск хутори ёнидаги тепаликни эгаллаш учун бўлган қаттиқ жангда тирик қолган 11 жангчи душмanning 300 жангчисига қарши 12 кун давомида тепаликни қўлдан бермай жанг қилишди ва душмanning ўша тепалик ёнида тўхтатиб қилишди. Уларнинг 9 таси ўзбек, 1 таси козок ва 1 таси татар эди. Оғир жангда Б.Алимбеков, Д.Аҳмедов, Б.Гаффаров, С.Мардонов, Х.Мусаев, С.Пайзиев, Н.Хаитов, С.Тленовларнинг қони ана шу тепаликда

абადий колди. Факат Абдурахмон Эрдонов ва М.Кабиловлар тирик қолишди. Бу тепалик хозиргача “Шаркнинг 11 қахрамони тепалиги” деб аталиб келинмоқда. Машхур Павлов уйини мудофаа қилишда қатнашган ўзбек йигити Камолжон Тургунов, Сталинград жангида ўзининг мотоўқчилар ротаси билан душмanning 400 аскар ва зобитини қириб ташлаган, 230 тасини асирга туширган ва қўпгина қурол-аслаҳани қўлга туширган наманганлик йигит Мамасоли Жабборов, 400 дан ортиқ аскарни ўз пулемётида ер тишлатган бухоролик мерган Хаитов, Тошкент педагогика институтининг талабаси Елена Стемковскаялар жасорати Сталинград жанги солномасидан муносиб ўрин эгаллаганлар. Ўзбекистонлик жангчилардан 2738 киши “Сталинград мудофааси учун” медали билан мукофотланди.

1943-йил ёзида Курск ёйида бўлган қаттиқ жангларда Ўзбекистонда тузилган 62- ва 69-ўқчи дивизиялар, 162- Ўрта Осиё-Новгород-Шимол аскар ва зобитлари алоҳида жасорат кўрсатдилар. Ўзбекистонликлар, шунингдек, 5- ва 15-ўқчи дивизиялар ҳамда 5-гвардиячи ва 62-гвардиячи ўқчи дивизиялар таркибида ҳам жанг қилдилар. Золотарёвка қишлоғи учун бўлган қаттиқ жангда фарғоналик Аҳмаджон Шукуров душмanning 110 та аскар ва зобитини ер тишлатди ҳамда 15 тасини асир олди. Бу жасорати учун унга Қахрамон унвони берилди ва Золотарёвка қишлоғи Шукуровка деб аталадиган бўлди. Курск жангида Зилмат Хасанов бир ўзи 80 фашистга қарши жанг қилиб, 60 дан ортигини қириб ташлади, патронлари тугагач, қалтис пайтда ўзини ҳам, душманларни ҳам портлатиб юборди. Курскда порлок ғалабага эришилгач, қизил армиянинг 2 минг км. узунликдаги фронтларда қудратли стратегик ҳужуми бошланиб кетди. Днепр даройсини кечиб ўтишда Тошкентда тузилган 441-ўқчи дивизия жасорат кўрсатди. Фашистлар ўқ ёғдириб, уларни ёқ қилиб ташлашга интилдилар. Тирик қолган 10 тажа жангчи рота командири Жўрахон Усмонов бошчилигида мадад қилгунича икки кеча-кундуз давомида маррани эгаллаб турди. Бўлинманинг барча жангчилари юксак мукофотларга сазовор бўли, Жўрахон Усмонов Қахрамон унвони билан тақдирланди. Днепрни биринчи бопълб кечиб ўтганлар орасида бухоролик старшина Вали Набиев, андижонлик Қамбарали Дўстматов, қорақалпоқ Худойберган Шониезов, шофирқонлик Халлоқ Аминов, ромитанлик Шариф Эргашев, Бухородан чиққан Т.А.Тихонов ва бошқалар бор эди. Днепрни кечиб ўтишда, унинг ўнг қирғоғидаги истехкомларни эгаллашда кўрсатган жасорати учун жами 26 ўзбек йигитларига Қахрамон унвони берилди.

Курскдаги ғалаба ва душмanning Днепрдан улоқтириб ташланиши натижасида жаҳон урушининг боришида туб бурилиш ясалди, ҳарбий стратегик ташаббус душмандан батамом тортиб олинди. Сталинграддаги ғалаба Гитлер Германиясининг енгилиши муқаррарлигини кўрсатган бўлса, Курск ва Днепрдаги ғалаба немис-фашист қўшинларини ҳалокатга маҳкум этди.

Ўзбекистонлик жангчилар Ленинград қамалини ёқ қилиш, Украина, Беларуссия, Молдова ва Болтиқбўйи республиқларини душмандан озод қилснх учун бўлган жангларда қахрамонлик намуналарини кўрсатдилар. 1944-йил қуз ойларига қелганда душман мамлакатдан бутунлай ҳайдаб чиқарилди, СССР чегаралари тикланди.

Душмanning тор-мор этишда партизанлар ҳаракатининг рўли ва ўрни қатта бўлди. Урушнинг душман устунлик қилган дастлабки даврида бутун-бутун ҳарбий қисмлар душман қуршовида қолиб кетди, қўллаб аскар ва зобитлар ноиложликдан асирга тушиб қолдилар. Асирларнинг сони 5 млн. кишидан ортиқроқ бўлиб, улар орасида минглаб

Ўзбекистонликлар ҳам бор эди. Асирга олинганлар орасида комиссарлар, коммунистлар биринчилар каторида суриштириб ўтирилмасдан отиб ташланар эди. Колганлари харбий лагерга ташланарди, уларга каттик азоб берилар, совукда оч-ялангоч сакланар эди. Дастлабки пайтларда фашистлар харбий асирларни ортикча юк, кераксиз хўранда деб ўлдириб юборишар эди. Кейинчалик уруш душман ўйлаганчалик бўлиб чикмагач, харбий асирлардан текин ишчи кучи сифатида фойдалана бошлади.

Душман босиб олган шаҳар ва туманлар ахолиси Германияга хайдаб кетилди. Баъзи жойларда меҳнатга лаёқатли бўлган фукароларни ўз ихтиёри билан Германияга ишга олиб кетишга ҳам уриндилар. Германияга олиб кетилган совет фукаролари сони 4 млн. дан ортиқроқ эди. Харбий асирлар, хайдаб кетилган фукаролар Освенсим, Маутхаузен, Бухинвалд ва бошқа ўнлаб ўлим лагерларида сакланади, хўрланади ва кўплари халок қилинади.

Душман ишғол қилган туманлар ахолисининг душман камалидан чиқиб олган қисми ёъки харбий асирликдан қочган жангчилар тоғларга, ўрмонларга яшириниб, партизанча курашга ўтдилар. Партизанлар ҳаракати Марказий штаби тайёрлаб юборган харбий мутахассислар, разведкачилар партизанлар орасига бўриб, йирик отрядларга бирлашиб, уюшган ҳолда душманга қарши курашдилар. Душман қуршовидан чиқиб олган ўзбекистонлик жангчилар ҳам Россиянинг қарши, Украина, Белоруссия, Молдова республикаларида партизан қўшинларида иштирок этдилар. “Чекист” партизан отрядининг разведкачиси, қўрқмас партизан Мамадали Топибол-диевнинг номи Белоруссияда машҳур бўлди. У душманнинг 67 аскар ва зобитини ёъқ қилиб, 180 тасини асирга олди. Довруғи бутун партизанлар ўлкасига ёйилган М.Топиболдиев қўрсатган жасорати учун Қахрамон унвонига сазовор бўлди. Белоруссиянинг Писарево қишлоғи ўзбек халқининг жасур ўғлини номига Топиболдиевка деб атала бошлади. Гомел атрофидаги “Темир ёъл уруши”да иштирок этган Жонибек Отабоев, Брянск атрофида душманга тўсатдан зарба берган И.Мусаев, А.Ҳақимов, И.Қосимов ва бошқаларнинг номлари уруш солномасидан ўчмас ўрин олди. Украинада душманга қирон келтирган С.А.Қовпак, А.Н. Собуров, А.Ф.Федоров, М.И.Наумовларнинг партизан қўшинлари сафларида юзлаб ўзбекистонлик қасосқорлар ҳам қатнашдилар. Улар душман қисмларига тўсатдан ҳужум қилар, қўприқлар ва темир ёълларни портлатиб душманни қаросимага солардилар.

Душман ўта маққор эди. Харбий асирлар ўртасида миллатларни бир-бирига қарши қиж-қижлаш, қелиб қиқиши немислардан бўлган совет фукароларини қулайликлар қратиш эвазига ўзига қизматқорликка олиш, совет ҳоқимиятига қисбатан қорозилиқ қайқиятида бўлган айрим қусулмон этник қурухларидан фойдаланиш қабии сиёсий ёъллардан фойдаланишга уриниб қўрди. Қози бўлмаганларни очлик ва ўлим билан қўрқитар эди. Бу қилдаги усуллар харбий асирларга қўпроқ ишлатиларди. Фашистлар харбий асирлардан “Қус озодлик армияси”, “Қурқистон леқиюни”, Волга – Қурал леқиюни” қабии харбий қўшилмалар тузишди, улардан партизанларга қарши қурашда фойдаланишди ҳам. Чет эл манбаларида ўз ватанининг душманлари билан “ҳамқорлик” ёълига қирганлар сони ўз эмас, қўп эмас, қарийб 1 млн. қишига етганлиги қўрсатилади. Бунга Сталиннинг асирликка тушиб қолганларни ватан қиюнлари деб қисоблагани ҳам ўз таъсирини қўрсатган бўлиши эҳтимолдан қили эмасдир. Ҳақикатда ҳам, қўпгина харбий аскарлар бундай леқиюнларга мажбуран қиритилган эди. Улар қаширин қурухлар тузиб партизанлар билан алоқа боғлаш ёълини қидирганлар. Қасалан, 1944-йил январида қитлерчилар “Қурқистон леқиюни” отрядини Черноқорияда югославиалик партизанларга

карши жангга солади. Отрядларнинг бирида 28 ўзбек йигитлари бор эди. Зобит С.Файзиев махаллий аҳоли билан алоқа боғлайди ва унинг кўрсатмаси билан легиончилар фашист командирларини отиб тшлаб, курол-аслаҳалари билан тоққа, партизанлар томонига юради. 1944-йил 25-май куни 28 ўзбекистонлик легиончилар Югославияда ҳаракат қилаётган болгар аскарлари баталонига қўшилиб кетади. Бирок омон қолган ҳарбий асирларнинг тақрири ҳам оғир кечади. Улар ўз ватанига қайтиб қелгач, гумон остида бўлдилар, ишга жойлашишда, уй-жойли бўлишда қийналдилар. Айримлари яна лагерларга, энди советлар ҳукуматининг лагерларига тушиб қоладилар. Бундай ҳоллар Сталин ва унинг атрофидагилар яратган ишончсизлик ва гумонсираш вазиятининг оқибати эди.

Ўзбекистонлик жангчилар Европа халқларини озод этишда ҳам фаол қатнашдилар. Биринчи ўзбек генерали, 57-гвардиячи дивизиянинг қўмондони Собир Раҳимов Полшада шонли хотира қолдирди. Унинг дивизияси Кавказдан Шарқий Пруссиягача бўлган масофани қаттиқ жанглар билан босиб ўтди. Кўрсатган ҳарбий маҳорати учун қўп марта лаб ҳукумат орденилари ва медаллар билан тақдирланди. 1943-йил мартда унга генерал-майор унвони берилди. 1943-йил майдан 1944-йил апрелигача муддатда Собир Раҳимов Москвадаги Олий ҳарбий академияда таълим олди. У академияни тамомлаб, аввал Беларуссияни озод этишда, сонгра Полшанинг Грудзяндз, Гнев, Староград, Дзяддово шаҳарларини озод этиш учун бўлган жангларда саркардаларга ҳос ҳарбий санъатни намойиш этди. 1945-йил 26-мартда Гданск шаҳрини озод этиш учун бўлган жангда генерал Собир Раҳимов ҳалок бўлди. Собир Раҳимовга олимидан сўнг Қаҳрамон унвони берилди. Полша халқи ўзбек халқи қаби генерал Собир Раҳимов номини эъзозлаб қелмоқда. Гданск шаҳридаги қўчалар, мактабларга Собир Раҳимов номи берилган. Ўзбекистонликлар Европа мамлакатларида авж олган қаршилик кўрсатиш ҳаракатида ҳам фаол қатнашдилар. Улар душмanning махсус лагерларидан қочиб Чехословакия, Полша, Югославия, Греция, Франциядаги Қаршилик ҳаракатига қўшилиб жанг қилдилар. Самарқандлик Г.Г.Булатов отряди Полшда ўнлаб қўприқларни, темир ёўларни портлатди, душмanning ҳарбий қисмлари ва жанговар техникаси ортилган эшелонларни ағдарди. 1944-йил ўрталарида Словакияда фашистларга қарши қўтарилган миллий қўзғолонда ўзбекистонликлардан партизан отряди командири В. Ф.Мелников, Р.Алламов, А.Нарзуллаев, Р.Хамроевлар иштирок этди. Югославияда кўрсатган жасорати учун фарғоналик Уксанбой Холматов 3 марта Югославиянинг муқофотларига сазовор бўлди. Францияда 37 миллион ва элатларга мансуб 2200 совет ҳарбий асирларидан тузилган партизанлар полки А.А.Козарян қўмондонлигида франсуз партизанлари билан биргаликда жанг қилиб, Алес, Вилфор, Сен-Шели шаҳарларини, Гар ва Лозер департаментининг қишлоқларини фашистлардан озод қилдилар. Бу жангларда самарқандлик А.Раҳматов, булунгурлик С.Шомуродов, тошкентликлар Р.Раҳимов, Н.Амиров ва бошқалар фаол қатнашдилар. Франциянинг жанубини озод этишда кўрсатган жасорати учун қўқонлик Хошим Исмоилов, тошкентлик Тожибой Зияев Франциянинг Жанна д'Арк қрести ордени билан муқофотланди. Италиянинг Карраро шаҳри қонларида ишлатиш учун олиб қорилган ҳарбий асирлар орасида андижонлик Т.Қўқоров ва А.Мамажоновлар италиялик партизанлар билан алоқа боғлаб тоққа қочади. Улар Гарибалди партизанлар отрядига қўшилиб, душман курол-аслаҳа омборхоналарини портлатишда, ёўларда душман қолонналарини ёўқ қилишда, қўприқлар ва эшелонларни портлатишда фаол қатнашдилар. Ўзбекистонликларнинг

Каршилиқ кўрсатиш ҳаракатидаги иштироки Европа халқларини фашистлар асоратидан ҳалос қилиш ҳаракатига кўшган муҳим ҳиссаси бўлди.

Уруш ўзининг сонгги палласига кирди. Берлин учун қаттиқ жанглар бўлди. Уруш Қаҳрамонлари Б.Бобоев, Т.Бобоев, С.Умаров, “Шухрат” орденининг тўлиқ кавалерлари А.Тўқмоков ва Б.Ниёзовлар Берлинни забт этишда қаҳрамонларча жанг қилдилар.

Берлинни олганлиги учун медал билан ўзбекистонлик жангчилардан 1706 киши тақдирланди. Фашистлар Германияси тор-мор этилди. Германия устидан ғалаба қозонилганлиги учун медал билан 109208 ўзбекистонлик жангчи тақдирланди.

Ўзбекистонлик жангчилар Японияга қарши урушда ҳам қатнашдилар. Улар 22-, 79-, 275-, 388-, 221-дивизия ва бошқа ҳарбий қисмларнинг таркибида жанг қилдилар. Сейсин порт шаҳрини эгаллашда 335-ўқчи дивизия баталони таркибида лейтенант Фозил Қаримов, разведкачи Вали Сулаймоновлар алоҳида жасорат кўрсатдилар. Душман соҳилига туширилган десантчилар орасида пулемётчи Нишон Бозоров чакконлик билан жанг қилиб, японларнинг 10 та аскар ва 2 та зобитини ер тсикхлатади. У жанговар медал билан тақдирланади. Шунингдек, лейтенант А.А.Қаримов, ўқчи взвод командири кичик лейтенант У.Дониёров, пулемётчилар қисми командири С.Қўчқоров ва бошқалар ҳам душманга қашатқич зарба берадилар. Шимоли-Шарқий Хитой ва Кореяни эгаллаб турган 1 миллионлик Қвантун армияси тор-мор қилинади. Жанубий Сахалин, Курилл ороллари япон қўшинларидан озод қилинади. Япония тор-мор этилади.

6 йил давом этган, бутун инсоният бошига огир қулфатлар солган Иккинчи жаҳон уруши тамом бўлди. Уруш инсониятга қимматга тушди, 50 миллиондан ортиқроқ киши ҳалок бўлди, 90 миллиондан ортиқ киши ярадор ва майиб бўлиб қолди, моддий талофатлар қиммати 4 триллион доллардан ошиб кетди. Уруш Европа, Африка, Осиё ва Океанияда турли фронтларда бўлди. Фашизмни тор-мор этишда қўп мамлакатлар қатнашди. Бироқ урушнинг асосий оғилиқ маркази СССР халқлари зиммасига тушди. 27 миллионга яқин киши уруш алангасида ҳалок бўлди, 18 миллиондан ортиқроқ жангчилар ярадор ва ногирон бўлиб қолдилар.

Ўзбекистондан жанггоҳга сафарбар этилганлардан 263005 киши ҳалок бўлди, 132670 киши бедарак ёъқолди, 60452 киши ногирон бўлиб қайтди. Бу маъшум уруш туфайли энг қамиди тўрт юз минг оила бевосита айрилиқ азобига дучор бўлган. Юз минглаб ватандошларимиз меҳнат frontiда захмат чекдилар, ўзи емасдан, ўзи қиймасдан топган насибасини фронтга жўнатиб азоб-укубатлар тортди. Ўзбекистонликларнинг урушда кўрсатган мардлиги ва жасорати юқори баҳоланди. 120 минг ўзбекистонлик жангчилар, жумладан, 70 минг ўзбек йигит ва қизлари орден ва медаллар билан муқофотланди. 300 га яқин аскар ва командирлар Қаҳрамон унвонига сазовор бўлишди, уларнинг 75 нафари ўзбеклардир. 32 нафар ўзбекистонлик жангчи учала даражадаги Шухрат ордени билан муқофотланди.

Уруш даври Ўзбекистон тарихининг узвий бир қисми, биз уни унутолмаймиз.

Ўзбекистонда уруш фаҳрийларига, уларнинг оилаларига ёрдам берилмоқда, уларга имтиёзлар яратилган. Республика фаҳрийлар уюшмасининг ташаббуси билан фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 50 йиллиги муносабати билан жангларда ҳалок бўлган 400 мингга яқин ватандошларимиз ҳақида архив материаллари тўпланиб, бу маълумотлар асосида “Ҳотира” туркумида 33 қитоб нашр этилди. Фашизм устидан қозонилган 9-май қуни Ўзбекистонда “Ҳотира ва Кадрлаш” қуни сифатида нишонланмоқда. Урушда қурбон бўлганларни хотирлаш, биз билан ҳозирги қунарда ёнма-ён яшаётган уруш фаҳрийларини кадрлаш, эъзозлаш, ҳурмат-иззатини жўйига

кўйишдек улугвор инсоний ишлар ёшларни Ватанга мухаббат рухида тарбиялашда, мустакил Ўзбекистоннинг миллий хавфсизлигини мустахкамлашда катта аҳамиятга эгадир.

(Mas'ul muharrir: Nasrullaev Maxmud Ubodullaevich – (SamDU) dotsent, t.f.n.)